

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар!
Жонажон диёримизга янги – 2024 йил келиб келмоқда.
Мана шу шуқулли дамларда дуоғуй отахон ва онахонларимизни, меҳрибон опа-сингилларимизни, барча соҳа ва тармоқлар вакиллари, азму шижоатли ёшларимизни, чет эллардаги қадрли ватандошларимизни – кўпмиллатли бутун халқимизни ушбу кутлуғ айём билан чин қалбимдан самимий табриклайман.
Мухтарам дўстлар!
Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ютуқ ва қувончлари, ташвиш ва муаммолари ҳам бўлиши табиийдир. Аммо инсон ва халқ ақл-заковати,

ҳалол меҳнати, мустақкам иродаси билан ҳар қандай синовлардан муносиб ўтишга қодир.
Шу маънода, 2023 йил эл-юртимиз учун кут-баракали ва омадли келди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик-о-сойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда.
Тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик. Келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга оширишни бошладик.
Кўплаб нуфузли анжуманларни юқори савияда ўтказдик.

Халқаро майдонда муҳим ташаббусларни илгари сурдик.
Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришдик.
Республикада юқори технологик замонавий sanoat корхоналари, логистика ва инфратузилма тармоқлари, боғча ва мактаблар, маданият ва спорт объеклари барпо этилди. Янги-янги иш ўринлари очилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.
Биргаликдаги меҳнатимиз тўғрисида Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Барча эришган ютуқларимиз учун сиз, азиз ватандошларимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!
Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда 2024 йилни мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилдик.
Янги йилда иқтисодиётимизга хоржий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтираман. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, "яшил" ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман.
Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш эътиборимиз марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бераман. Ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтарамиз.
Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.
Мухтасар айтганда, янги ҳаётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этаман.
Қадрли ва мухтарам ватандошларим!
Сизларни Янги йил байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.
Ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, бутун юртимиз фаровон бўлсин!
Ўзгал Ватанимизни Яратганининг ўзи паноҳида асрасин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

"ЖАДИД" ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИ ВА МУШТАРИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Авалло, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини, илм-фан ва маданият аҳлини, барча мухтарам зиёлиларимизни ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – "Жадид" газетасининг биринчи сони нашр этилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Маълумки, ўтган аср бошларида, гоё мураккаб тарихий шароитда миллий озодлик, уйғониш ва тараққиёт гоёлари билан майдонга чиққан маърифатпарвар аждодларимиз ўзларининг беназир салоҳияти, ноёб инсоний фазилятлари билан фидойилик ва жасорат намунасини кўрсатдилар. Уларнинг табаррук хотирасини эъзозлаш, бой мероси, ибратли фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этиш буйича юртимизда катта ишларни амалга оширмоқдамиз.
Ўтмишда жадидчилик ҳаракати марказларидан бири сифатида шуҳрат қозонган Ватанимизда бугун шу номда янги газетанинг фаолият бошлаётгани бу борадаги ишларимизнинг яна бир амалий натижаси, тарихий адолат тантанаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.
Ўлкамизда илк миллий матбуот нашрларига асос солган маърифатпарвар жадид боболаримиз газетани "бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ҳамда инсоният тараққиётининг энг юқори поғонасига эришмоқ учун лозим бўлган саъй ва ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан маслаҳат ва кенгаш қилмоқ учун бағоят зарур бир восита", деб билганлар.
"Жадид" газетаси ана шундай эзгу аъналарни давом эттириб, улуғ аждодларимизнинг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси билан муштарак бўлган гоё ва дастурларини атрофлича ёритиш, бу кутлуғ меросни эл-юртимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг қалби ва онгига етказишда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўзига хос эркин минбар бўлади, деб ишонаман.
Ана шундай шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда газета жамоаси ва унинг муаллифларига ютуқ ва омадлар, барча муштарийларига эса юксак ижтимоий тафаккур ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ассалому алайкум, азиз газетхон!
Аёнки, "жадид" сўзи "янги" демакдир – фикрда, ахлоқда, илмда, Ватанга муҳаббатда янгилаш демакдир.
Яқин тарихда ўтган жадид боболаримиз миллат оидинлари эди. Улар маънавий-маърифий, адабий-илмий, моддий-техникавий соҳаларда янгиликка интилишди. Инсон ҳурилигини қадрлашди. Ватан истиқлоли ва миллат истиқболи учун жон фидо қилишди. Биз жадид зиёлилари, фидойи боболаримиз орзу қилган истиқлол замонида уларни ёдга оламиз. Ҳақларига дуолар қиламиз.

БИРЛАШМОҚ ДАВРИ

Жадидларнинг орзулари армонга айланган замон – "тарихимизнинг энг қирқил, қора кунлари" (Қодирий) бир аср ортада қолди. У тарих, у яқин мозий. Тарих сабоқлари билан истиқболга қаралади. "Мозий – истиқбол тарозусидир" (Беҳбудий). Жадид боболаримиз ўғитидан, улар ҳаётда юз берган шонли ва армонли кунлардан ибрат олиб, истиқболга, Ватан ва миллат келажигига назар солиш лозим.
22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев маърузасини тингларканмиз, кўнглимизни безовта қилиб, уйқумизни қочирган кўп аччиқ саволларга жавоб топдик. Давлатимиз раҳбари жадид боболаримиз курашган иллатлар бугун ҳам тараққиётимиз оёғига тушов бўлаётганини таъкидлаб, нажот фақат илм-маърифатда, таълим-тарбияда эканига яна бир бор эътиборимизни қаратди.
Йиғилишда Президент томонидан миллий тараққиётни ҳар томонлама жадаллаштиришга,

зиёли ва ижодкорларни бирлаштиришга хизмат қиладиган кўп ибратли ташаббуслар илгари сурилди.
Хусусан, хурматли Президентимизнинг бугун қўлингизга етиб борган янги нашр – "Жадид" газетасини ташкил этиш ташаббуси йиғилиш иштирокчилари томонидан гулдурос қарсақлар билан кутиб олинди. Зеро, маърифатпарвар боболаримиз ҳам миллатни уйғотиш, уни тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун ишни айнан газета таъсис этишдан бошлагани ҳаммамизга кундай аён.
Президентимизнинг "Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирини нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар", деган сўзлари шунчаки тарихий маълумот эмас, балки биз учун жиддий чақириқ эканини ҳар биримиз теран англашимиз шарт.

(Давоми 4-саҳифада) >>>



Oyina.uz kutubxonasi

Жадидлар

Тақдир эркалатган қизлар, йигитлар –
Соҳилда сайр қилиб, атиргул ҳидлар.
Хаёлчан боқади ғозий шахидлар...
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Шахсий намуна йўқ, чунки Ибрат йўқ,
Олимлар жуда кўп, битта Фитрат йўқ,
Шу сабаб мажол бор, куч бор, қудрат йўқ,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Улар гишт қўйган, биз тошлар отамиз,
Улар сўз йиққанлар, биз гап сотамиз,
Улар кун кутган, биз ойлик кутамиз,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Тавалло, Қодирий, Чўлпонлар қайда?
Хамзахонлар қайда, Усмонлар қайда?
Оғиз жуда катта, юраклар майда,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Ушлар бизларнинг боболармикан?
Биздан ўзларини тополармикан?
Бизни набирам, деб тан олармикан?
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Улар мактаб қурган, биз уй курашимиз,
Улар гоё сурган, биз ўй сурашимиз,
Ёлпа-юмошабин бўлиб турашимиз,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Қопоғон давр эди, қаттол, қатағон,
Отилиб чиққани шартта отағон...
Бугун юки енгил туя ётағон...
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Ўзига келмайди ўздан кетганлар,
Ихлос қўйиб шайтон думин тутганлар...
Қани юрт деб ўзини унутганлар?
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Шеър авжид бирдан қалам секинлар,
Буёқ устозларим нима деркинлар?
Сўнгги жадид эди Абдулла, Эркинлар...
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Уфққа урилиб, қайтиб келган ўқ
Менинг юрагимни тешиб ўтган чўғ.
Муаллимлар сероб, Авлонийлар йўқ.
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Таълим-тарбияни нажот билганлар,
Илмига ўзлари амал қилганлар.
Қаранг, амал деб ўз жонин юлганлар,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Маишат, тўй, ҳашам бош мақсад ҳамон,
Гапдан бошқа гап ҳам бор, эй қадрдон!
Ҳамма замонда ҳам келмайди замон,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Занглаган зехимни чархлаб берадиган,
Умрим савдосини нархлаб берадиган,
Шу шеърни ўғлимга шархлаб берадиган
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири



МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқидан

Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндлари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар.

XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эслайлик.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етуқ кадрлар сув билан ҳаводек зарур.

Лекин уларни ким тарбиялайди? Албатта, ўзимиз тарих сабоқлари, замон талаблари асосида тарбиялашимиз зарур.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги конференция жaxon илм-фан ва маданий жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Бу ишларни янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида алоҳида Президент қарори қабул қилинади.

Жумладан, Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи бунёд этилади.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ана шу ишларимизни давом эттириш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, “Шахидлар хотираси” жамғармаси ҳамда жамоатчилик вакилларининг “Жадид” номли янги газета ва унинг электрон версиясини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини биз, албатта, қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрми?

Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераёптими?

Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди.

Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади.

Халқаро майдонда маданий дипломатиямизнинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Хабарингиз бор, ЮНЕСКО Бош конфе-

ренцияси сессиялари қарийб 40 йилдан буён фақат Парижда ўтказилади.

2025 йилда эса бу конференциянинг сессиясини биринчи марта бошқа шаҳарда, яъни, Самарқандда ўтказиш белгиланди. Ушбу нуфузли анжуманга Ташкилотга аъзо барча давлатлардан вакиллар ташриф буюради. Ҳеч шубҳасиз, бу – Ўзбекистон учун катта ишонч, айни пайтда масъулият ҳамдир.

Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, эзгу ғояларни тараннум этишда ўзбек адабиёти ҳамisha мустаҳкам замин бўлиб келган ва ишонаманки, доимо шундай бўлиб қолади.

Авалло, маънавият ва маданият соҳасидаги ишларимиз учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқишимиз лозим.

Бу жараёнда янги таҳрирдаги Конституциямиз талаблари ҳисобга олинishi зарур.

Улуғ маърифатпарвар Ибрат домланинг: “Миллатни ким ислоҳ этар? Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топар”, деган ҳикматли сўзларида чуқур маъно бор.

Фурсатдан фойдаланиб, мен муҳтарам улаомларимиз, дин пешволарини инсон кадрини улуғлаш, тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларимизда фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга қақираман.

Азизларим, тарбияси издан чиққан нопок кимсалардан огоҳ бўлайлик! Фарзандларимизни уларнинг бузғунчи таъсирдан асраб-авайлайлик!

Келажагимизни ёвуз кучлар кўлига бериб қўйишга асло ҳаққимиз йўқ.

Агар барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга албатта қодиримиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!

Шу мақсадда халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Театр санъатини ривожлантириш бўйича Маданият вазирлигига бир ой муддатда дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун кириштириш вазифаси топширилади.

Ушбу дастурда қуйидагилар кўзда тутилсин:

– тарихий ва замонавий мавзулар бўйича 20 та энг яхши пьеса учун ижодий буюртма бериш орқали драматургларга 50 миллион сўмдан қалам ҳақи тўлаш тизимини жорий этиш;

– 50 нафар ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг ривожланган давлатлар театрларида маҳорат оширишини йўлга қўйиш;

– ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш.

Бунга қўшимча равишда беш йиллик дастурга биноан театрлар тўлиқ таъмирланиб, энг илғор технологиялар асосида модернизация қилинади.

Мақом санъатини ривожлантириш, уни қоронғуликдан ёруғликка олиб чиқиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган санъаткорларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини кенг тарғиб этиб келаётган бахшилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Яна бир муҳим янгиллик – мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби 12 та нобв маданий мерос намуналарини бўйича анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратилади.

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинади.

Экспонатларни сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича барча музейлар замонавий ускуналар билан жиҳозланади ва энг нобв экспонатлар маркировка қилинади.

Инновацион технологиялар асосида Тарих музейи ҳамда Санъат музейининг замонавий янги бинолари барпо этилади.

Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади.

Муқаддас китоб – Усмон Куръони саҳифалари ҳам консервация ва реставрация қилинади.

Юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган 18 та археология ёдгорлигини очиқ осмон остидаги музейга айлантирамиз.

Шунингдек, Самарқандда Сохибқирон Амир Темури боғлари қайта тикланади, “Буюк ипак йўли” музейини барпо этамиз ва Биби-хоним мажмуасини реставрация қиламиз.

Ҳозирги вақтда дунё медиа оламида теле ва кино сериаллар жадал ривожланмоқда. Дастлаб кўнгилочар ва маиший мавзуларда пайдо бўлган сериаллар бугунги кунга келиб, турли давлат ва миллатларнинг муайян мақсадларини тарғиб этиш воситасига айланиб бормоқда.

Савол туғилади: халқимиз телевизорни энг кўп кўрадиган пайтларда, яъни “прайм-тайм” вақтида хорижий сериалларга катта ўрин бераётганимиз қанчалик тўғри?

Албатта, буларнинг барчаси олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, миллий сериаллар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизимни

тубдан ислоҳ этиш, бу йўналишда ижодкорларимизни қўллаб-қувватлаш лозим.

Айнан шу йўл билан миллий сериалларимизни ғоявий-бадиий ва техник жиҳатдан жозибали, ҳамма қизиқиш кўрадиган даражага етказиш мумкин.

Кейинги пайтда мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш масаласига бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Ҳеч шубҳасиз, “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчилари ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ билан таъминланиши керак. Бу, албатта, адолатдан бўлади.

Шу мақсадда миллий сертификатга эга бўлган “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланади. Бу мақсадлар учун 2024 йилда қўшимча 10 миллиард сўм, 2025 йилда эса 30 миллиард сўм ажратилади.

Бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш бўйича ҳам алоҳида механизмлар жорий этилади. Хусусан, улар бу борада махсус сертификатга эга бўлса, ўқиш харажатлари давлат томонидан қўллаб берилди.

Бундан ташқари, ўзбек тилидан бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилади.

Ўзбек тили бўйича ҳам халқаро фан олимпиадасини ўтказамиз. Олимпиаданинг ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланади. Шунингдек, улар мамлакатимиз олийгоҳларининг ўзбек тили филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш бўйича бошлаган ишларимиз давом эттирилади. Келгуси йилдан миллий ва жaxon адабиётининг энг сара намуналарини кўлпнинг нусхаларда чоп этиш ва барча кутубхоналарга етказиб бериш чоралари кўрилади.

Шу билан бирга, ҳар йили энг яхши бадиий асарлар яратиш, таржима қилиш учун ижодий буюртмалар берилиб, муаллиф ва таржимонларга муносиб қалам ҳақи тўланади.

Биз Хоразмий, Беруний, Ибн Сино деб кўп гапирамиз. Аммо болаларимиз уларнинг қайси асарини ўқий олади?

Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи деймиз, лекин уларнинг болалик даврини ким билади?

Демак, ана шундай алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп қилиб ёзиш керак.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ўз соҳасида илмий мактаб яратган хурматли олимлари-

мизни адиблар ва ноширлар билан ҳамкорликда болалар учун қизиқарли ва сермазмун китоблар яратишга қақираман.

Юртимизда китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш, турли йўналиш ва мавзудаги адабиётларни чоп этишни кўпайтириш учун наشريёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда ушбу корхоналар 5 йилга солиқлардан озод қилинади. Шунингдек, уларга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Албатта, бу залда ўтирган адибларимиз таржима санъатининг нақадар машаққатли иш эканини яхши биладилар. Мана шундай масъулиятли меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун улуғ шоир ва таржимон Оғахий номидаги халқаро мукофотни таъсис этсак, нима дейсизлар?

Сўнги пайтларда ўз ҳисобидан кутубхона барпо этаётган ташаббускор инсонлар кўпайиб бораётгани барчамизни мамнун этади.

Тасаввур қилинг, 100 дан зиёд юртдошимиз бундай хайрли ишга қўл урган. Масалан, Марҳамат туманида тадбиркор Қобилжон Обидов 50 мингдан зиёд китоб фондига эга, уч қаватли замонавий кутубхона ташкил этган, бу зиё масканида 300 мингта электрон китоб ҳам мавжуд.

Мана шундай инсонлар жадидларнинг муносиб давомчилари, бугунги кун қаҳрамонлари эмасми?

Марҳаматлик маънавият фидойиси давлатимизнинг нуфузли ордени билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Биз барчага ибрат бўлаётган бундай юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим.

Ҳаёт бор экан – жаҳолат ҳам, маънавий таҳдидлар ҳам бўлиши табиийдир.

Аммо энг хатарлиси – юрт келажагига лоқайдлик, эзгу қадриятларга нисбатан бепарволикдир.

Тинч ва фаровон ҳаёт куриш учун аввало одамлар қалбида бир-бирига ҳурмат, халққа, Ватанга меҳр ва ишонч мустаҳкам бўлиши зарур.

Мамлакатимиз янги тараққиёт даврига қадам қўйган бугунги кунда халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгида Ватанга муҳаббат, юртимиз келажагига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтиришда сиз, маданият аҳлининг ўрнинингиз ва таъсирингиз беқиёсдир.

Сизлар юксак истеъдод ва маҳоратингиз, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштирокингиз билан улуғ байрам кунларига эсон-омон, тўрт этишга албатта муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.



Иброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Аср тўлқинлари юракларда жаранглаб акс садо топади. Ватанимизнинг ҳар бир бурчагидан қувончли, ҳаяжонли хабарлар оқими онгимиз, шууримизни тўлалигича эгаллаб олади. Ватанимизда ғайрат, рағбат, жасорат жўш урмоқда. Халқимиз ўз етакчиси билан биргаликда илм-фан сирларини эгаллаш, кашфиётчилик, ишбилармонлик билан ўтган, эсда қоладиган дамларнинг сарҳисобини қилмоқда.

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ғоятда тигиз. Биз Янги Ўзбекистон йўлларида эмин-эркин юриб, рўпарамиздан чиқаётган қийинчиликларни энгиб ўтиб бормаяпмизми, ёш авлоднинг илм, ирода билан чиниктирмаяпмизми, уларнинг миясини инновацион илм-фан билан тўлдирмаяпмизми! Тўлдиряпмиз! Чиниктиряпмиз! Фарзандларимизни ҳар қандай шароитда яшовчан қилишга уринмоқдамиз. Реал тушунчаларга ошно қилмоқдамиз, реал баҳо ва хулосаларга кўниктирмоқдамиз. Одам реал тушунчалар билан яшаса ва ўзини ҳаёт учун тарбияласа, Президентимиз айтмоқчи, инсонпарварлик йўлларини топиб олади.

Бу борада янги ташкил этилаётган “Жадид” газетаси қўлтуғ қадам бўлмай, иншааллоҳ!

Йўллар ва реал сиебат – мана, давр ҳар биримиздан талаб қилаётган маънавий-ақлий ҳодиса! Мен бир қалам соҳиби сифатида мана шу ҳодисани ўз руҳониятимда жуда аниқ сезиб тураман. Улар мени ҳеч нарсага қарамай ҳаракатга қақиради.



Инсоният янги замонга кириб бормоқда. Бу жараёнда миллий-маънавий қиёфани сақлаб қолиш энг муҳим масалага айланди. Янги дунёнинг маънавий илдишлари, таянч устунлари энди нималар бўлади, деган чўнг бир савол дақиқа сайин каттариб, кенгайиб боради. Хўш, Янги Ўзбекистоннинг маънавий асоси нималарда кўринади?

УЙҒОНИШ НУҚТАСИ

2023 йил 11-12 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик” мавзусидаги халқаро илмий анжумандан кейинги ўйлар



Мана шу саволга жавоб топиш мақсадида жуда катта интилишлар юзга чиқмоқда. Ушандай интилишлардан бири сифатида жорий йилнинг 11 – 12 декабрь кунлари Тошкентда “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция туркий дунёнинг ғоявий келишуви, истиқболи, маънавий қиёфасини белгилаб олишда платформа вази фасини бажариши кўзда тутилган.

Инчунин, давлатимиз раҳбарининг анжуман иштирокчилари, умуман, шу йўналишда фаолият юритаётган олимларга мурожаати миллий ва халқаро миқёсда қилиниши керак бўлган ишлар, туркий дунё фарзандларининг маънавий қиёфасини сақлаб қолиш ва янги уфқларни очишга қаратилган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш талаби бўлиб ҳам янгради.

“Ўз моҳият-этиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намоёндаларининг Марказий Осиё ҳудудидида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”, дейилган мурожаатда бу ҳаракат дастурининг бош бўғинлари сифатида бир қатор йўналишлар кўрсатиб берилди.

Биринчи: тараққийпарвар аждодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш.

Иккинчи: Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожидидаги ўрни ва таъсирини ўрганиш.

Учинчи: XX асрнинг биринчи чорагида улар барпо этган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш.

Тўртинчи: дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятга тарихий баҳо бериш.

Бешинчи: янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс бунёд этишда ушбу мероснинг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалаларни кечиктирмай кун тартибига қўйиш.

Олтинчи: жадид боболаримиздан мерос йўл – билим ва маърифат, дунёвий тараққиётни эгаллашда янги босқичга кўтарилиш.

Еттинчи: мактаб, театр, кутубхона, нашриёт, газета-журналлар фаолияти, ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбориш, жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш амалиётида жадидлар каби миллий тараққиёт йўлидан оғишмаслик.

Саккинчи: давлат бошқаруви, суд-хуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрижий асосда тубдан ислоҳ қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар олиб боришда жадидлар каби янги миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоясини рўёбга чиқаришда бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш.

Тўққизинчи: халқимиз озодлиги ва Ватанимиз равнақи йўлида азиз

монда барчамиз, аввало, ёшлар учун чинакам ибрат намунасига, даъваткор кучга айлантириш.

Зотан, мурожаатда айтилганидек, “Бугунги кунда янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғладиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз



Шахноза НАЗАРОВА,
филология фанлари доктори

жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир”.

Анжуман доирасида 70 дан ортқ маъруза тинланди. Бу дунё миқёсидаги соҳага доир тадқиқотлар ҳаритасини етарлича тасаввур қилиш имкониятини яратди.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Истиқлол туфайли XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти ҳамда тарихини ҳар жиҳатдан изчил ўрганиш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Мана шу муҳитда фикри етилган янги авлод тадқиқотчилари энди бу борада ўз сўзини айтиши керак.

Жадидшунослик аллақачон халқаро фан тармоғига айланди. Туркий халқларнинг барчаси бу даврни замонавий дунёга қўшилиш дарвозаси сифатида баҳолайди ва қадрият даражасида ўрганади. Шундан келиб чиқиб, туркий бўлмаган

риш учун жадид боболар меросини кўрсатиш, нашр этиш керак бўлади. Бунинг учун миллий уйғониш даври манбаларини сақлаб қолишдек кечиктириб бўлмас вази фасини адо этиш зарур. Мукамал алифбо нон ва ҳаводек қанчалар зарур бўлса, бу манбаларни яроқли ҳолатда сақлаш, янги форматга ўтказиш ҳам ушандай заруратдир. XX аср бошларида жадид боболаримизнинг жасорати билан чиққан газета-журналлар, кўлэзма, тошбосма ва босма китоблардан яқин беш-ўн йилдан сўнг ҳеч нарса қолмаслиги мумкин. Улар шиддатли вақт бўрида чанг ва капалакларга айланиб бормоқда. Ҳали кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган “Сабазор”, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи нодир кўлэзма, тошбосма ва босма асарлар фондида сақланаётган “Миллий ашъори Таржимон”, “Миллий шеърлар мажмуаси ёхуд адаби дин”, “Янги адабиёт” каби баёз, мажмуа, шеър тўпламлари мавжудки, уларни изоҳ ва тадқиқлари билан қайтадан мукамал нашр этишга улгуриш лозим. Уларнинг сақланиш ҳолати халқаро талаблар даражасида эмас. Янги, сифатли қозоғга нусхалари кўчирилмаган, электрон варианты ҳам тиниқ ва сифатли бўлмай, фойдаланувчилар учун ёпиқ ҳолатда. Германия, Туркия, Россия, ҳатто Нидерландия фонд ва архивларида Чулпон, Фитрат каби жадид боболаримизнинг бизга номаълум мислсиз асарлари, тарихий ҳужжатлар бизни кутаётган бўлса, ажабмас.

Бундай кенг кўламдаги ишларни бажариш, хориждаги материалларни аниқлаш, йиғиш, олиб келиш, аввало, уларни белгиланган тартибда талаб қилиш учун аниқ ҳуқуқий асосларга ва ҳаракат дастурига эга бўлиш лозим. Халқаро талабларга жавоб берадиган шароитда сақлаш, манбалардан фойдаланишда очиқликка эришиш, қўлга киритилган барча илмий натижаларни ягона нуқтада жамлаш ва уларни миллий гуруҳ тимсоли сифатида ўрганиш учун Халқаро жадидчилик илмий-тадқиқот маркази, унинг ўз ҳаракат дастури керак эди. Президентимиз мурожаати сабаб энди ҳаракат дастури мавжуд. Фақат амалий иш қолди. Зотан, янги уйғониш нуқтаси айнан биздан бошланиши керак.

ИЗҶОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент,

Сизга яхши маълумки, XX асрнинг дастлабки чораги Туркистон ўлкасининг ижтимоий-маърифий ҳаётида янги Миллий уйғониш даври сифатида тарихдан жой олди. Мазкур жараённинг ташаббускорлари ва етакчилари жадид маърифатпарварлари эди. Жадидчилик ҳаракатининг фидойи намоёндалари Миллат ва Ватан тараққиёти йўлида беминнат хизмат қилиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очдилар, миллий матбуот ва кинематографияга асос солдилар.

Турли миллат ва элатларга мансуб бу улғу зотлар “Тилда, фикрда, ишда бирлик” ғояси асосида бирлашиб, Марказий Осиё ва туркий дунё халқларининг қардошлиги ва ҳамжиҳатлиги масаласини кун тартибига олиб чиқдилар. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, фикр ва қарашлари ҳануз муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб, Сиз Жаноби Олийларининг раҳбарлигида барпо этилаётган Янги Ўзбекистоннинг ғоявий ва маънавий асосини ташкил этмоқда.

Шу ўринда, мусулмон олами ва туркий дунё тарихида ёрқин из қолдирган жадидчилик ҳаракатини ҳар томонлама чуқур ўрганишда Сизнинг ташаббусингиз билан жорий йилнинг 11-12 декабрь кунлари азим Тошкент шаҳрида ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро илмий анжуманинг ўрни беқиёс.

Анжуман юқори даражада ташкил этилиб, унда ўзбекистонлик таниқли жадидшунослар билан бир қаторда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия, Россия Федерацияси, Венгрия, АҚШ, Германия, Нидерландия, Швеция, Япония каби мамлакатлардан 40 дан зиёд кўзга кўринган олимлар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этдилар.

Дунё тарихидаги ноёб феномен деб эътироф этиладиган жадидчилик ҳаракати мавзуси билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келаётган мутахассислар сифатида биз биринчи марта бундай юксак савияда ташкил этилган илмий анжуманда иштирок этганимизни алоҳида таъкидлашни ўринли деб биламиз.

13 декабрь куни Бухоро шаҳрига уюштирилган сафаримиз давомида жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири Усмонхўжа Пўлатхўжаев истиқомат қилган “Ховли поён” тарихий масканида Жадидчилик тарихи музейини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар кўлами билан танишдик. Дунёда жадидчилик ҳаракатида бағишланган бу каби бошқа марказ мавжуд эмас ва шу сабабдан ҳам Сизнинг ушбу ташаббусингиз юксак таҳсинга сазовор.

Қадимий ва бетакрор Ўзбекистон диёрида Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга доир давлат сиёсатини қатъий амалга ошираётганингиз, илм-фан, таълим ва тарбия, маданият ва санъат, адабиёт соҳаларини ривожлантириш, хусусан, жадид маърифатпарварлари фаолиятига кўрсатаётган улкан эътиборингиз учун барча анжуман қатнашчилари номидан самимий миннатдорлик билдирамиз.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон равнақи йўлидаги серқирра фаолиятингизга янги зафарлар тилаймиз.

Биз ўз ҳаётий тажрибамиз ва илмий салоҳиятимиз билан Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшишга доимо тайёр эканимизни изҳор этишдан бахтиёримиз.

Ҳурмат билан,

Темул ХҲҲАЙҒЛИ,

Мичиган давлат университети
фахрий профессори, анжуманни
ўтказиш бўйича Илмий-ташқиллий
ҳайъат раиси;

Юлей ШАМИЛҒҒЛУ,

АҚШлик тарихчи олим,
Назарбоев университети
профессори;

Адиб ХОЛИД,

АҚШлик тарихчи олим,
Карлтон коллежи доценти;

Авуз АКПИНАР,

Туркиянинг Эгей университети
фахрий профессори;

Исмаил ТУРКҒҒЛУ,


Туркиянинг Меммор Синон
Тасвирий санъат университети
профессори;

Ҳисао КОМАЦУ,

Япониянинг Токио
университети фахрий
профессори.

Илм – билмаган нарсаларини биланлардан ўрганмоқдир. Илм – одалининг зехнини очар, ақлни орттирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур.

Мунавварқори Абдурашидхонов



жонларини фидо қилган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини янги тафаккур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш.

Ўнинчи: архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, илмий тадқиқот ишларини бажариш учун мақсадли грантлар эълон қилиш, янги бадий ва публицистик асарлар яратиш, хорижий илм-фан марказлари, фонд ва музейлар, кутубхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўн биринчи: маърифатпарвар боболаримиз олға сурган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишларни ҳозирги мураккаб ва таҳликали за-

халқлар ҳам жадидлар даврини янги уйғониш босқичи сифатида қабул қилади ва келажак ҳаётимизни шу асосда прогноз қилмоқчи бўлади. Аммо биз учун ҳаракат дастури улуроқ қабул қилинаётган мурожаатдаги вази фаларни бажаришда ўзимиз ҳал қиладиган кўплаб масалалар бор. Зеро, ютуқлару офриқларимизни ўзимизчалик ҳеч ким билмайди. Буларни ҳал этиш учун олимларимиздан катта интилиш, бирлашиш, жамғарилган илмларни тўлалигича миллат манфаатига йўналтириш талаб этилади. Биз жадид боболаримиз хотираси билан ёшлар юрагини ҳаяжонга, Ватан муҳаббатига тўлдираримиз. Улар биздан жадид боболаримиз ҳақидаги мухтасар маълумотнигина эмас, уларнинг ўз асарларини беринг, уларнинг ўз асарларини ўқийлик, дея сўрай бошлайди. Ушанда Ватанга бўлган азиз муҳаббатнинг ташналигини қонди-

ҚУТЛОВ

“ЖАДИД” ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Жаноб Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Жадид” номидаги янги рўзнома чоп этилаётганини эшитиб чексиз қувондим. Жадидлар чин маънода ўз халқининг эрки, озодлиги учун курашган, шу йўлда жонларини фидо қилган миллатпарвар шахслар тимсолидир. Жадидлар миллатнинг турмуш тарзини ўзгартиришнинг энг асосий йўли халқни уйғотиш, уни маърифатли қилиш, таълимни ислоҳ қилишни ҳаёт ва мамот йўли деб билдилар. Улар босиб ўтган йўл бугун ҳам биз учун ибрат йўлидир. Мен ўйлайманки, жадидлар фаолияти катта-катта тадқиқотларга арзийди. Уларнинг ҳар бирини илмий ўрганиш бизга кўп нарсаларни беради.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардим: жадид-



ларнинг кўпга машхур бўлган “Тилда, фикрда, ишда бирлик” ғояси ҳамма вақт долзарбдир. Бу бизнинг Туркий давлатларининг бирлашуви ва келажакдаги улғувор мақсадларига том маънода уйғун келади.

Туркияда туриб, шундай қувончли хабарни эшитар эканман, нафақат ўзбек халқига, жами туркий халқларга “Жадид” газетасининг қадами кутлуг бўлсин, дейман.

Султон РАЕВ,

Халқаро туркий маданият
ташқилоти ТУРКСОЙ Бош қотиби



ҚУТЛОВ

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Бугун хурматли Президентимиз Шавкат Мирононович Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда маърифатпарвар жадид аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, уларнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш ва оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ушбу мавзуда йиллик халқаро конференция ўтказилгани бунинг яққол далилидир.

“Жадид” газетасининг ташкил этилгани ҳам ана шундай эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Дунёда глобаллашув ва мафкуравий курашлар тобора шиддатли тус олаётган ҳозирги мураккаб даврда ушбу янги маърифий нашр ёш авлодни ватанпарварлик, жадид боболаримизнинг маърифатпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муносиб ўрин тутишига ишонаман.

Янги Ўзбекистон, жумладан, янги Қорақалпоғистондаги ҳозирги улкан янгиланишлар жадид боболаримизнинг ўлмас ғояларига ҳамоҳанг эканини гурур-ифтихор билан эътироф этамиз. Қорақалпоғистонда ҳам жадидлар меросини ўрганиш ва халқимиз ўртасида тарғиб қилиш ишларини изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун халқимизни “Жадид” газетасининг илк сони билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман. Маънавий-маърифий қадриятларни тарғиб қилишдек воят машаққатли ва шарафли йўлда тахририят жамоасига улкан муваффақиятлар, иждоий фаоллик тилайман.

Аманбай ОРИНБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўрғорги Кенгесининг Раиси

БИРЛАШМОҚ ДАВРИ

Боши 1-саҳифада

“Жадид” газетаси ана шундай жасоратли зийлилар учун асосий минбарга айланишига бел боғлаганимиз ва бу борада барча жонкуяр, фидоий юртдошларимизни иждоий ҳамкорликка чорлаймиз.

Янги нашрнинг айнан ана шундай вазифани кўп йиллар адо этиб келган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси негизда ташкил этилганида нафақат рамзий, аввало, чуқур тарихий маъно, ворисийлик туйғуси бор. Шу маънода, икки жилга бирлашиб, катта бир дарёга айланади, деб ишонамиз.

Зотан, Ватан ва миллат манфаати йўлида ҳамма замонларда фидоийлар – ўзини, ўзлигини теран англаган илғор шахсларни бирлаштиради.

Шу боис биз пешқадам жадидларимизнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган ғоясини ўзимизга бош шior қилиб олдик.

Илло, жадид боболаримиз ҳам “Ойина”, “Тараққий”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Нажот”, “Хуррият”, “Ал-ислоҳ” каби газета-журналлар орқали халқимизни жиқлаштиришга, хуррият, маърифат ғояларини халқ ичига олиб киришга астойдил саъй-ҳаракат қилган эдилар.

Шу ўринда хурматли Президентимизнинг ҳозирги пайтда жадид боболаримиз каби фарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия толган етуқ кадрлар зарурлиги ҳақида фикрлари ниҳоятда долзарб эканини таъкидламоқчимиз. Бундай кадрларни ким тайёрлайди, деган саволга давлатимиз раҳбари шундай жавоб

берди: “Албатта, ўзимиз тарих сабоқлари, замон талаблари асосида тарбиялашимиз зарур”.

Ҳақ гап. Ватанимиз, халқимиз тақдирига дахлдор бўлган ҳаёт-мамонт масаласида бошқа бировдан нажот кутишимиз ўринсиз. Фақат ўзимиз, мозийга таяниб, келажакка интилиб, замон талабларига жавоб берадиган ёш жадидларни тарбиялашимиз лозим.

Бу – “Жадид” газетасининг асосий мақсадларидан биридир.

Азиз дўстлар! “Жадид” – бу Янги Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб йўлида Ватаннинг ҳар бир фуқароси тафаккурини туб-тубидан ёритиб турадиган маърифат чироғидир.

“Жадид” – боболар орзу қилган янги замон шодиёнасининг шукроналари изҳоридир.

“Жадид” – лоқайдлик ва танбаллик душмани, энг майда ижтимоий-маиший жаҳолат юзига ҳам илм-фан ва маърифатнинг тинч кўзгусини туттувчи нашрдир.

“Жадид” – бу фақат ўтмиш эмас, жадид – бугун ва келажақдир.

“Жадид” – мустақил Ўзбекистоннинг маънавият сарҳадлари дахлсизлигини туну кун худди ватанпарвар ва сергак, фидоий ва жасур аскар каби ҳимоя қилади.

Сизнинг янги нашрингиз – “Жадид” газетаси барчамизга муборақ бўлсин ва унинг тез кунда ишга тушириладиган электрон шакли янги фикр уфқларини очаверсин!

Иқбол МИРЗО

ЗАМОН ЖАДИДЛАРИ

Андижон вилояти Марҳамат туманида яшовчи тадбиркор Қобилжон Обидов халқимизнинг фаровонлиги, маънавий юксалиши борасида муҳим лойиҳаларни амалга ошириб келаётган, эл орасида юксак ҳурмат-эътибор қозонган юртдошларимиздан.



ЧИН МАЪНОДА МАРҲАМАТЛИК ТАДБИРКОР



Қобилжон Обидов китобхоналар даврасида.

У кейинги йилларда яна бир эзгу ишни амалга оширди: Марҳамат шахрига қираверишда замонавий муҳташам кутубхона барпо этиб, фойдаланишга топширди. Вилоятнинг кўшни давлатга чегарадош ҳудудидан бунёд этилган бу зиё масканини бётракдор замонавий архитектураси, баланд ва ёруғ заллари, уч қаватли бинода айлана шаклида жойлашган бой китоблар фонди, китобхоналарга хизмат кўрсатишнинг қулайлиги жиҳатидан водийда ягона дейиш мумкин. Кутубхонада ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналаридан иборат эллик мингдан зиёд китоб жамланган. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг тўрт юз минг нусха электрон китобларидан бу кутубхонанинг ўзида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Кутубхона бир вақтнинг ўзида 250 нафардан зиёд китобхоналарга хизмат

кўрсатади. Бу ерда деярли ҳар куни китобхоналик, маънавий-маърифий тадбирлар, иждоий учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Кутубхона вазирликлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Яқинда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тақдим этган тўрт юзта бадиий адабиёт, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан турли номдаги беш юздан ортиқ китоб, Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги соғва қилган тўрт юздан зиёд электрон китоблар билан кутубхона фонди бойитилди.

Тиниб-тинчимас тадбиркор зиё маскани ёнида Эркин Воҳидов номидаги шахмат мактаби, шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид музей ҳам ташкил этган.

– Кутубхона очишни анчадан бери орзу қилар эканман, – дейди Қобилжон ака. – Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда китобхоналикни ривожлантириш, ёш авлоднинг китобга

бўлган муҳаббатини юксалтириш бўйича янги қарорлар имзолаганидан кейин ушбу мақсадимни амалга ошириш бўйича лойиҳамни тайёрлаган эканман. Президентимизнинг Туркиядаги миллий кутубхона очиш маросимида қатнашганини кузатиб, Марҳамат туманида ҳам замонавий кутубхона куришга қарор қилдим. Учинчи Ренессанс даврининг вакиллари етишиб чиқиши учун, аввало, билимли, китобхона авлодни тарбиялашимиз лозим. Бундан ташқари, кекса ёшдаги юртдошларимиз уй шароитида фарзанд-набиралар курсовида китобхоналикка шароити етарли бўлмаслиги мумкин. Бизнинг кутубхонамизда эса, ҳар бир ёшдаги китобхоналар учун тинч ва яхши шароит яратилган. Китоб учун, кутубхона, маърифат учун сарф бўлган маблағни ҳисоб-китоб ҳам қилмайман. Яқинда ёшларни китобхоналикка қизиқтириш, билимлари юксалиши учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жадид боболар ҳаёти ва фаолияти, маънавий меросини ўрганишга оид танлов низомини тайёрладик. Келажақда кутубхонамиз тармоқларини таълим муассасалари кесимида кенгайтириш бўйича ҳам лойиҳаларимиз бор.

Қаҳрамонимизнинг сўзларини тинглар эканман, унинг тимсолида маърифатпарвар боболаримизнинг муносиб издошини кўрдик ва шундай марҳаматли, ватанпарвар тадбиркорларимиз кўпаяверсин, деб ниёт қилдик.

Хурида ҚҮЧҚОРОВА

БЕДОР ҲИ



Халқимиз – тинчликсевар халқ. Бошқа масалаларда турлича фикрлаши, баҳслашиши мумкин, лекин бу борада ҳамма бирдам, ҳамжиҳат. Кексаё ёш аввало тинчлик бўлиши, дейди. Президентимизнинг энг катта орзу-интилиши, ташвиши ва амалий ҳаракатлари ҳам – халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Бугун дунё шунчалик таҳликаликки, тинчликни сақлашнинг ўзи жуда катта меҳнат-машаққат бўлиб қолди. Охириги йилларда жаҳон геосиёсати кескин ўзгарди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида давлатимиз раҳбари бу масалага ҳам тўхталиб, дунёдаги қудратли марказлар энди очикчиасига босим ўтказиш, қарама-қаршилиқ ва тўқнашувлар йўлига ўтганини таъкидлади. Афсуски, бундай кенг қўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё ва унинг бир қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Бундай шароитда оқилона йўл топиш, образли айтганда, “тарозини тўғри ушлаш” осон эмас. Президентимиз ана шундай оқиллик ва моҳирлик билан Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Ҳозир катта-катта давлатлар “Ўзбекистон, сен ким томондасан?”, деяпти. Каттиқ-қаттиқ айтиб, вакиллари ҳам келиб, ўзлари ҳам шунга давват қилапти. “Ўзбекистон аҳолиси 36 миллион бўлди, уч-тўрт йилда 40 миллионли катта давлат бўлади, сизлар ким томондасиз?”, деб сўраяпти. Бундай оғир саволга жавоб битта – мен халқим томондаман. Миллатим, халқим, буюқ Ўзбекистонимнинг манфаати учун жонимни беришга ҳам тайёрман”, деган эди.

Буни кўпдан-кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, ташқи сиёсатдаги алоқалар тенглик, очиклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган. Узоқми-яқинми, барча давлатлар билан алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилинапти.

Президентимизнинг биргина 2023 йилдаги хорижий таширларига географиясига эътибор беринг: Сингапур, Қирғизистон, Миср, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркия, Германия, Хитой,

Италия, Эрон, Саудия Арабистони, Туркменистон, Венгрия, Тожикистон, АҚШ, Қатар, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари.

Бундан ташқари, Қатар, Сингапур, Франция, Италия каби ривожланган давлатлар раҳбарлари мамлакатимизга келди. Шу номларнинг ўзидан ҳам билиш мумкинки, давлатимизнинг ташқи сиёсати эркин, кўп қиррали.

Энди ўзимизга савол берайлик: нима учун шунча мамлакатлар Ўзбекистонга эшикларини очаяпти, ҳамкорликка интилаяпти? Ишонганидан! Нимага? Давлатимизнинг сиёсатига, иқтисодига, эртанги кунига.

Ишончни қозонишнинг омиллари кўп. Лекин энг муҳимлари – мардлик, бирсўзлик, бағрикенглик. Агар бу маънавий фазилатлар раҳбарда бўлса, миллионлаб инсонларга наф келтиради.

Эсимизда, Шавкат Мирзиёев 2016 йилдаёқ кўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашни айтган эди ва сўзининг устидан чиқди. Сиёсий ирода, ўзаро мурося ва кенг юрак билан ғоят нозик масалаларга ҳам оқилона ечим топилди. Қардошлар ўртасида яна яхши кўшничлик, аҳиллик муҳити пайдо бўлди. Ўзбекистон минтақамиз марказида бўлганидек, бунда бизнинг Президентимиз марказий ўрин тутди. Халқаро майдонда мамлакатимизга ҳурмат ошди.

Бугун қардошларимиз билан алоқаларнинг иқтисодий, тижорий, маданий томонлари ҳақида узоқ гапириш мум-

кин. Натижалар кўп. Лекин, энг муҳим ютуқ – миллионлаб одамларнинг қалбида уйғонган илиқ муносабатдир. Бунинг аҳамиятини англаш учун чегара олдида яшаган, сиёсат туфайли тутқун бўлиб, яқинларини йиллар давомида кўра олмаган одамларнинг дардини ҳис этиш керак. Чегарадан ўтказиш пунктлари очилиб, борди-келди осонлашганида ота-онаси, қариндошларини бағрига босиб йиғлаган инсонларнинг юз-кўзларига қараш керак. Бу ҳис-туйғулар табиий, алдамайди.

Шундан бери қардош эллар бундан баҳраманд. Ҳозир сайёҳлар, тадбиркорлар ҳам ўзаро бориб келяпти. Ўзимиз ҳам кўшни давлатларда хизмат сафарига бўлмоқдамиз. Биласизми, одамни хурсанд қиладигани нима? Ҳамма жойда ўзбекларга, Ўзбекистонга муносабат ўзгарган – очик юз билан қуришади, ёрдамга шошилади, меҳмонга таклиф қилади, гаплашгиси келади.

Инсонийлик, меҳр-оқибат қандай яхши. Биргина инсон туфайли, тўғри сиёсат туфайли миллионлаб одамнинг фикри ўзгарди, бир-бирига ҳурмати ошди. Бу нафақат кўшни халқлар, балки юртимиздаги ижтимоий муҳитга ҳам ижобий таъсир қилди. Мамлакатимизда тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллатларга мансуб ватандошларимиз очик кўнгил билан тинч-тотув яшамоқда.

Биз, одатда, фақат кўчалардаги ўзгаришларни сезамиз. Турли янгиликлар рақамларга эътибор берамиз. Лекин доим ҳам кўзга

ташланмайдиган, ҳамма ўзгаришларнинг асоси бўлган бир ютуқ бор. Бу – тинчлик!

Болалигимизда уруш воқеаларини киноларда кўрадик, қариялардан эшитардик. Афсуски, ҳозир бу ҳаётда бўлаяпти. Узоқда ҳам эмас, яқин минтақаларда.

Телевизорни кўйишга, газета ўқишга баъзан юрак бетламайди. Дунё хабарларида фожиа ва даҳшатларга кўз тушади: танклар, портлашлар, либ, режаларимизни бажаришга шошиламиз. Кўча-кўйга қарасанг, қаергадир чоғланган, интилган одамларни кўрасан. Чунки эртанги кунга ишонч бор.


Болалар мактабга бораётганидан хурсанд. Ёшлар чет тили курсларида, спорт тўғрақларида банд. Катталар бирни икки қилиш ҳаракатида. Ҳар замон дўстлар билан йиғилишиб, ҳазил-мутойба ҳам қилади. Тўйхоналарда кунда-кунора тўй. Бир қарашда булар оддий нарсалар. Лекин инсон учун

дод-фарёдлар... Неча йиллар давомида ривожланган, обод бўлган шаҳарлар вайронга айланмоқда. Куролли тўқнашувлар оқибатида бегуноҳ инсонлар, ҳатто болалар қурбон бўлаётди. Одамлар бошпанасиз қолиб, оғир муसibatларни бошдан кечирмоқда. Кўзларида кўрқув, хавотир. Шуларга қараб, ҳам фикр, ҳам шуқур қилади инсон. Дунёда энг қадрли неъмат тинчлик эканини англайди. Осойишталик бўлмаган жойда ҳамма бойлик, меҳнат ва умидлар ўз аҳамиятини йўқотади.

Минг шуқурки, Ўзбекистонимизда осойишталик. Ҳар куни тинч-хотиржам уйғонамиз. Оила бағрида нонушта қи-

либ, режаларимизни бажаришга шошиламиз. Кўча-кўйга қарасанг, қаергадир чоғланган, интилган одамларни кўрасан. Чунки эртанги кунга ишонч бор.

Болалар мактабга бораётганидан хурсанд. Ёшлар чет тили курсларида, спорт тўғрақларида банд. Катталар бирни икки қилиш ҳаракатида. Ҳар замон дўстлар билан йиғилишиб, ҳазил-мутойба ҳам қилади. Тўйхоналарда кунда-кунора тўй. Бир қарашда булар оддий нарсалар. Лекин инсон учун



энг муҳими шу эмасми – тинч-омон бўлиш, сифатли яшаш, фарзандларини яхши тарбиялаш. Ҳаётнинг мазмуни оила, эл-юрт билан-ку.

Мана, янги йил келди. Яхши ниётлар билан яна бир йилга қадам қўйдик. Одамларда ҳам, мамлакат олдида ҳам мақсадлар кўп. Улар рўёбга чиқиши учун, аввало, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва фидоийлик керак. Президентимиз айтганидек, ҳар бир фуқаро “бу – менинг уйим, менинг маҳаллам, менинг туманим, менинг Ватаним”, деб яшаса, натижа биз кутгандек бўлади.

Анвар САМАДОВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ТАКЛИФ



“ТУРОН” ЖАДИД КУТУБХОНАСИ бунёд этилса...

Муносиб баҳо учун тарихий-адабий манбалар тилга кириши лозим.

Тўғриси, адабий-илмий манбаларнинг тарқоқлиги ҳар қандай тарихий воқеа-ҳодисани аниқ, тиниқ ва батафсил муҳокама қилишга имкон бермайди. Бир аср наридаги жадидчилик ҳаракати тарихини тугал ўрганиш учун сукунат бағрида жим ётган манбаларни тирилтириш ва сўзлатиш лозим. Бу даврга доир тарихий манбалар ҳалигача республикамиз ва чет эллардаги кутубхоналарда, айрим жадидчилик олимларнинг уйларида ҳаракатсиз сочилиб ётибди. Агар фидойи жадидларнинг тарихий хизматларига ҳолис, одил ва ҳаққоний баҳо бериш лозим бўлса, биринчи навбатда аниқ ҳодисага оид манбаларни – турли тилларда ёзилган китоблар, турли тиллар ва йилларда босилган ноёб газета ва журналларни излаб топиш ҳамда уларни бир жойга жамлаш лозим. Чунки манба йўқолган жойда тарихни сохталаштириш, турли тахминларни илгари суриш жараёни бошланади. Шахсан мен ўқиб кўрган жадид нашрларининг аҳоли бугун яхши эмас. Уринган, йиртилган, ёзувлари ўча бошлаган, кўпларини жуда эҳтиёткорлик билан варақлаш керак. Тўғриси, ўша нодир манбаларнинг кўпчи-

лиги бугун йўқ бўлиб кетиши арафасида. Уларни кечиктирмай рақамли форматларга кўчириш керак. Жадидчилик ҳаракати манбалари, жадид зиёлилари нашр этган китоблар, газета ва журналлар учун махсус “Турон” жадид кутубхонасини бунёд этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда маърифатпарвар боболаримиз томонидан ташкил этилган машҳур “Турон” кутубхонаси қисман Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабиде фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу етарли эмас.

Агар шу тарихий ҳудудга яқин жойда “Турон” жадид кутубхонаси бунёд этилса, жадидчилик ҳаракатини ўрганишда бир қанча имкониятлар юзага келади:

Биринчидан, республикамиз ва узоқ-яқин хориж кутубхоналаридаги жадидчиликка доир газета ва журналлардан нусхалар шу зиё масканда тўпланади.

Иккинчидан, тадқиқотчиларга жадид намояндалари, уларнинг мероси, асосий концептуал йўли, жадидшуносликка оид асарлар билан батафсил равишда танишиш имкони пайдо бўлади.

Учинчидан, жадидчилик ҳодисасини кенг кўламда барча қирралари билан фундаментал тарзда ўрганиш, унинг қиймати адолатли, ҳолис тарихий баҳо бе-



Баҳодир КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

риш учун манбалар устида синчковлик ва кунт билан тадқиқотлар олиб борилади.

Тўртинчидан, бу кутубхона жадидчиликка доир турли илмий-амалий конференциялар, жадидларнинг ибратли ҳаёти ва ижодига оид анжуман ва тадбирлар ўтказадиган марказга айланади.

Бешинчидан, бу масканда жадидшунос олимларнинг шахсий кутубхоналари ва архивларидан сотиб олинган ёки совға этилган махсус китоб жавонлари пайдо бўлади.

Олтинчидан, вақти келиб, “Турон” жадид кутубхонаси аниқ ҳодисани ўрганиш бўйича халқаро илмий марказ (академия) мақомига кўтарилади.

Шу ва бошқа асосларга кўра бугун “Турон” жадид кутубхонасини қайтадан бунёд этиш зарурати бор, менимча.

Бугун ижтимоий турмуш ва ҳар бир инсон ҳаётида китобнинг тутган ўрнига аҳамият берилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” чиқарган фармойиши жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ўқиганлар билан ўқимаганлар, оқиллар билан жоҳиллар, билганлар билан билмаганлар мартабаси ҳеч қачон тенг бўлган эмас.

Шу жиҳатдан XIX аср охири – XX аср бошлари тарих сахнасига илм-маърифат фидойилари сифатида чиққан жадидлар тақдири анча мураккаб ва нисбатан қизиқарлидир. Жадидчилик ҳаракати доирасида кўтарилган масалалар умумийлик, кенг қамровли, ҳаётий, жуда зарур ва оламшумул эди. Жадидчилик ҳаракатида қатнашган арбоблар, адабий шахсиятлар, муаллимлар, зиёлиларнинг

сон-саногий кўп. Уларнинг фаолияти ўз даврида қайсидир даражада муҳокама қилинди ва бу жараён ҳали шу кунга доғур давом этиб келади. Бироқ жадидчилик ҳаракати тарихи, намояндалари фаолияти ва мероси хусусидаги бугунги қарашлар тугал эмас, бу тарихий ҳодиса ҳозирга қадар истиқлол, Ватан ва миллат манфаати нуқтаи назаридан реал илмий-назарий баҳосини олганча йўқ.

Ҳаётнинг мазмуни, вақтнинг қадри, даврон моҳияти ҳақидаги қуйма фикрлар, ҳикматлар ва бадий асарлар бир жойга тўпланса, ўқиб чиқишга бир инсоннинг умри етмайдиган мухташ кутубхона пайдо бўлади. Ҳақим ва файласуфларнинг вақт тушунасига берган таърифу тавсифи тафаккур тарихида алоҳида бир боб. Зотан, инсон боласи бор экан, киприк учида гилтиллаб турган кўзёш миқдорича насиб қилган умри давомида ибтидосиз Азалдан интиҳосиз Абадга қадар ўтаётган Вақт дарёсини тизгинга солмоққа уринади; бепоён саҳронинг қум зарраларини ҳисоблаш имконсиз бўлса-да, ўз умрининг қумсоати қадар ҳисобини юритмоқни истади.

Шу боис ҳам тарихнинг дастлабки босқичларида Кўёшнинг чиқиши ва ботишига қараб умри сарҳисобини юритган инсон кейинроқ замоннинг ўлчови бўлган турли меъёр ва мезонларни ишлаб чиқди. Буларнинг ичиде энг муҳими, шубҳасиз, тақвим (календарь) ҳисобланади. Айнан тақвим туфайли башар фарзандлари ўтмиш ва бугун билан бирга келажақнинг ҳам ҳисобини юритади, ўз фаолиятини баҳолайди, режалар тузади.

Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, тақвим тутиш дунёвий билимлар ҳосиласидир. Олиму фозиллар, ақида илмининг билимдонлари Борлиқнинг азалийлиги ва абадийлиги тўғрисида асрлар давомида баҳс юритади. Аммо бирор киши замоннинг ибтидоси, тарихнинг бошланғич нуқтасини аниқ белгилаб беролмайди. Турли дин ва эътиқодлар, миллат ва элалар вақилларнинг вақт ҳақидаги ўлчовларидан баҳс юритувчи “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини таълиф этган Берунийнинг фикрича, тақвимга қарн – эра асос қилинади. Аллома, жумладан, бундай ёзади: “Эра (қарн) бу ўтиб кетган йилнинг бошидан ҳисобланадиган маълум бир муддат бўлиб, ўшанда турли аломатлар ва далиллар билан қандайдир пайғамбар юборилган, ёки шаъни улуг бир подшоҳ зуҳур қилган, ёки ҳароб қилувчи умумий тўфон, зилзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вабо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор халқ ҳалокатга учраган, ёки давлат ва ҳукмдорлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машҳур аломатларидан бирор муҳим нарса юз берган бўлиши керак”.

Тақвимлар даставвал давлатчилик ва дунёвий эҳтиёж сабаб пайдо бўлган. Қадимги Римда дастлабки тақвимлар солиқ ва хирож йиғиш мақсадини белгилаш мақсадида тузилган. Кейинчалик янги динлар ва пайғамбарлар билан боғлиқ ҳодисалар тақвим тартиб беришга асос бўлса-да, янги тақвимлар пировардида

давлатнинг сиёсий иродаси туфайли жорий этилган. Шу тариқа дунё-

лимотлар асосларини татбиқ этган, тарихни ўз пайғамбарлари ва динла-

Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

нинг насроний динига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Иккинчидан, Исо алайҳиссаломнинг таваллуд санаси муқаддас китобларда ҳам, инобатли манбаларда ҳам аниқ кўрсатилмаган. Бу борада христианлик тарихи билан шуғулланувчилар орасида ихтилофли фикрлар мавжуд. Кенг тарқалган таъқиқ муювофик, миллодан аввалги 6 йилдан миллодий 12 йилга қадар саналар Исо Масих таваллуд топган йилдир.

Учинчидан, биринчи январь йилбоши деб белгилангани ҳам христианликка алоқадор эмас. Қадимги

Мамлакатда янги йил байрами бир неча марта – 1 январь (григориан тақвими бўйича), муҳаррам ойининг биринчи куни (ҳижрий-қамарий тақвим бўйича), этник хитойлар орасида 10 февралда (Хитой тақвими бўйича), шунингдек, Бали ороли аҳолиси орасида март ойининг биринчи ярмида (Бали Сака тақвими бўйича) байрам қилинади.

Покистон Ислому Республикаси бирорта тақвими расман қабул қилмаган. Иш юритишда асосан григориан календар истифода этилади. Янги йил байрами икки марта – 1 январь

нишонланади. Кейинги уч-тўрт йилда янги йилни биринчи январда нишонлаш аънанаси аста-секин оммалашмоқда. Айниқса, катта шаҳарлар – Риёз ва Жиддада 31 декабрь куни кенг миқёсда байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Ташкилотчиларга кўра, бу тадбирлар аҳолига яхши кайфият ва хурсандчилик улашиш мақсадида уюштирилмоқда.

Умуман олганда, григориан тақвими табиий ва аниқ фанларнинг таъриқий натижасида бугунги кунда башариётнинг энг мукамал тақвимларидан бирига айланган. Астроном олимлар хулосасига қараганда, мазкур тақвим бўйича 3500 йилда фақат ортиқча бир кун қўшиладики, ҳозирча у дақиқлик ва аниқликнинг олий нуқтаси ҳисобланади.

Афғонистон ва Эрондан ташқари барча мусулмон мамлакатлари иш юритишда расман миллодий тақвими истифода этади. Сиёсий-дипломатик, иқтисодий-ижтимоий, банк-молия, маданий-маърифий муносабатларни уйғун равишда олиб бориш учун исломий давлатларда ҳам дам олиш кунлари пайшанба-жумадан жума-шанба ва шанба-яшанба кунларига ўтказилмоқда. Демак, григориан тақвими дастлабки диний маъно-мазмунидан анча кенгайиб, вақтни тизимлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи умумжаҳоний механизмга айланган.

Янги йилни нишонлаш жоизми-йўқми, деган савол ҳар йили ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама бўлади. Биз бу масаланинг диний, фикрий ечимини уламоларга қолдириб, байрамнинг илмий асосларини қисқача баён этдик. Такрор бўлса-да таъкидлаймизки, мазкур байрам дунёвий характерга эга бўлиб, диний-соҳалат илдизларидан анча узоқда. Қолаверса, инсон ўз умрини қайси тақвим бўйича ҳисоблаши, қайси кунни йилбоши сифатида байрам қилиши эмас, балки ўтган бир йил давомида қандай яхши амалларни бажаргани, умрининг қанчасини эзгуликка сарфлагани, кимнинг қорига ярагани муҳимдир! Шу ҳақиқатни теран анлаган одамнинг, шубҳасиз, ютуқлари ютқиқликларидан кўпроқ бўлади. Айниқса, шиддат билан илгарилар бораётган бугунги замонда беҳуда баҳсларга чалғимай, омонат вақтни самарали ўтказиш пайида бўлмоқ даркор. Академик шоиримиз Фафур Фулом лутф қилганидек:

*Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Тирик буюкларнинг нафасдошимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазоларга тенг.*

БАЙРАМ КИМНИКИ?

Мулоҳаза



да турли тақвим ва мучаллар, тарих сарҳисоблари урфга кирди. Мисол учун, григориан тақвими бўйича 2023 йил деб ҳисоблаганимиз ҳижрий-қамарийда 1444, ҳижрий-шамсийда 1401, хитой тақвимида 4720, рус черковининг Юлиан тақвимида 7530, яҳудийлар тақвимида 5783 йил саналади. Аксар тақвимларда йил турли фасл ва ойларда бошланади, бинобарин, йилнинг бошланishi ва тугаши ҳам бир-бирига тўғри келмайди. Айни пайтда, зарофатгүй адибимиз таъбири билан айтганда, “Кўёш барчага баробар”.

Боя қайд этганимиздек, замон тизгинини кўлга олиш ва вақтни муайян низомга солиш жараёнида дунё халқлари турли эътиқод ва таъ-

рига боғлаб талқин қилишга уринган. Жумладан, насроний динига эътиқод қилувчилар инсоният тарихини икки босқич – миллодий ва миллодан олдинги даврга бўлиб ўрганади. Аммо тақвими Исо алайҳиссалом таваллудига боғлаб талқин қилиш шартлидир. Аниқроқ айтсак, йилбоши пайғамбарнинг таваллуд кунига боғлиқ эмас. Бунга бир неча далилимиз бор.

Аввало, биз бугун миллодий ё масиҳий деб билганимиз григориан тақвимида кўлланадиган аксар ойлари этимологияси Қадимги Рим ва Юнон худолари ва подшоҳлари номига бориб тақалади (июль – Юлий Цезарь, август – Октавиан Август ва ҳоказо). Яъни улар-

Римнинг машҳур императори Юлий Цезарь юлиан тақвими жорий қилганида биринчи январни йилнинг илк куни сифатида белгилайди. Мазкур тақвим миллодан аввалги 45 йил, яъни Исо алайҳиссалом таваллудидан ярим асрча олдин тузилгани инобатга олинса, “Биринчи январь – насроний тақвими йилбошиси”, деган фикр бирор илмий ё тарихий асосга эга эмаслиги маълум бўлади.

Тўртинчидан, христианлар ўз тақвими Исо Масих таваллудига боғлаб талқин қилса ҳам, пайғамбарнинг таваллуд кунини насронийликнинг бирор мазҳабда январнинг илк кунини нишонланмайди. Католик ва протестантлар 25 декабрни Исо алайҳиссаломнинг таваллуд кунини (Christmas) деб билса, Рус православ черкови 7 январь, арман черкови эса 6 январни Рождество байрами сифатида нишонлайди.

Янги йил байрами бизга Россия орқали кириб келган. Рус тарихида янги йил турли даврларда 22 декабрь (ялдо – энг узун кеча), 22 март (тун ва кун тенг бўлган Наврўз айёми), 1 сентябрь (Византия тақвими бўйича) саналарида байрам қилинган. Пётр Биринчи даврида янги йилни Европа халқлари билан бир вақтда нишонлаш мақсадида тақвимга таърир киритилган ва биринчи январь йилбоши деб белгиланган.

Мусулмон Шарқи давлатларида бугунги кунда янги йил байрами турли саналарда нишонланади. Масалан, Индонезияда асосан григориан тақвими ишлатилса-да, исломий тақвимдан ҳам кенг фойдаланилади.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МИЛЛИЙ ПОЙДЕВОРИ



Хамидулла БОЛТАБОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Дунё ҳамжамияти тарихида Ренессанс – Уйғонишнинг даҳамияти мислсиз эканлигини барча зиёлилар яхши билади. Жаҳон тамаддунига Ислохот Ренессанси (Адам Мец) номи билан кирган оламшумул воқеанинг асосий марказларидан бири – ҳозирги Ўзбекистон бўлгани юртимизнинг ҳар бир зиёлисини фахрлантиради ва бунинг баробарида улкан тамаддунга ворис бўлиш масъулиятини юклайди.

БИРИНЧИ РЕНЕССАНС пойдевори исломий тамаддун, илм ва адабиёт саналиб, жаҳонга Имом Бухорий, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби юзлаб жаҳоний алломаларни етказиб берди. ИККИНЧИ РЕНЕССАНС эса Амир Темури даҳаси билан юртимизда марказлашган давлатнинг вужудга келиши туфайли Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби олим адибларни етиштирган бўлса, УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҳақи суратда жаҳид боболаримизнинг сиёсий, иқтисодий қарашлари, маданий ва адабий воқелики янгилаш, уйқуддаги юртни уйғотиш билан боғлиқ бўлганини Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай шарҳлайди: “**Уй-лайманки, тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда учинчи Ренессанс айнан жаҳид аждодларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Афсуски, мустақил тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади. Биз бугун мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этар эканмиз, жаҳид боболаримизнинг гуманистик қарашларига таянамиз, уларнинг меросидан маънавий куч-қувват оламиз.**”

Марказий Осиёда кенг қулоч ёйган ўзбек жаҳидчилик ҳаракати янги тамаддуннинг миллий пойдеворини яратиш учун ҳаётнинг ҳар бир жаҳасида ислохотчилик ҳаракатини бошлаб юборди. Профессор Темури Хўжа ўғли жаҳидчилик ҳаракати ўзидан тўққиз улуг ғояни мерос қилиб қолдирганини таъкидлаб ўтган. Улар орасида энг бошланғичи ва масъулиятли миллий ўзликни англаш ғояси. Миллат ўзининг қимлигини ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини яхши билмас экан, ўзликни намоён этиш йўлидаги ҳар бир ҳаракати самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам Абдурауф Фитрат домла “Химмат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаётини йўқдир” сўзларини сарлавҳага олиб чиқарди. Химмат, аввало, ўз яқинларига, миллатдошларига ва диндошларига нисбатан меҳр-оқибат кўрсатишидир. Уларнинг ташви-

ши билан яшаш, дунёда борлигини намоён қилиш учун кураш ва дунё жамиятидан ўз ўрнини топиш учун қилинган ҳаракатдир. Сабот эса мана шу илмий-адабий-маърифий ҳаракатларнинг изчиллиги билан амалга ошувчи учун тинимсиз меҳнатдир. Ўзини, ўзликни билмаган миллат ҳаётга, яшашга ҳақли эмас.

Жаҳид оталаримиз бизга фақат ғоянигина мерос қилиб қолдиргани йўқ, балки бу оламшумул ғояларни амалга ошириш учун ҳаракат дастурини ҳам яратиб кетдилар. Бу дастурга мувофиқ тарзда изчил кураш йўли сифатида ислохотчилик тақомилини яратдилар. Ислохотларнинг юзага келиши миллий заминда анъанавий мактаб ва мадраса таълими, мумтоз адабиёт намуналарини жиддий суратда қайта назардан ўтказиш жараёнида кечди. Бу йўлда жаҳидчиликнинг маънавий раҳбари Исмоилбек Гаспирали Боғчасаройнинг Жанжирли мадрасасида амалга оширган ислохот таърифи билан таяндилар. Миллатнинг асосий қисми мусулмон фарзанди бўлгани учун ҳам илк исломий билимларни беришга ҳаракат қилдилар. Бу йўлда Маҳмудхўжа Бехбудий “Мухтасар ислом тарихи” (1913), Абдулла Авлоний “Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом” (1913), Абдурауф Фитрат “Мухтасари таърихи ислом” (1915) ва бошқаларнинг бошланғич мактаблар учун ёзган мухтасар ислом тарихлари арзирли қадам бўлди.

Бунга қадар мактаб ислохоти масаласини жаҳидчилар амалий фаолиятдан бошладилар. XIX асрнинг сунгида Исҳоқхонўра Ибрат, янги асрнинг илк санасида Тошкентда Мунавварқори, Самарқандда Абдуқодир Шақурий, Андижонда Заҳириддин Ёлам ва бошқаларнинг усули жаҳид мактаблари очилди. Илк усули жаҳид мактаблари 1890 йилда Фарғона водийсида ва 1893 йилда Самарқанд шаҳрида очилган эди. 1910-йилларда Туркистонда 80 га яқин, Бухоро амирлиги ҳудудида эса 57 та янги усул мактаби фаолиятини бошлаган. Бу мактаблар учун тизимли дастур, ўқув адабиётлари заруратини тўғри тушунган алломалар Авлоний, Саидрасул Саидазиз, Мунавварқори, Бехбу-

дий, Фитрат, Ҳамза ва бошқаларнинг илк мактаблар учун ёзган дарслик ва қўлланмалари нашр этилди.

Жаҳид адиблари бадиий адабиётда жаҳон андозалари даражасида қабул қилинадиган асарлар ёзишга киришдилар. Янги адабиёт, бир томондан, мумтоз адабий жанр ва образлар доирасида шаклланиган бўлса, иккинчи томондан, давр воқеаларини акс эттирган ўзига хос ойна вазифасини бажарди. Адабиётда “миллат” ва “ватан” тушунчалари фаоллашди. Агар тарихан “миллат” сўзи ислом умматига нисбатан қўлланилган бўлса, энди адабиётда бемалол қўлланилиши даврига кирди. Фитрат 1911 йилда “Сайҳа” (“Наъра”) тўпламини “миллий шеърлар” деб атаган бўлса, Ҳамза “Янги саодат” асарини “миллий роман” деб атади. “Ватан” тушунчасининг қамрови кенгайиб, энди ҳудудий маскан, маъмурий бирлик доирасидан “маънавий ватан” сари кенгайди. Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, Қодирий публицистикаси миллий ғояларнинг жарчисига айланди.

Миллий шеър масаласи нафақат асарларнинг мазмун-мундарижаси асосига қўйилди, балки “миллий шакл”, “миллий услуб”, “миллий вазн” истилоҳлари ҳам фаол қўлланила бориб, “бизнинг миллий вазнимиз” (Фитрат) ҳисобланган бармоқ вази шеърятда қатъий ўринни эгаллади. Жанговар публицистик руҳдаги шеърлар лирик жанрлар ғоявий мундарижасини бойитиши баробарида, ҳарбий маршлар ҳам миллий шеърлар асосига

қурилди. Шеърдаги лиро-эпик қамровнинг кенгайиши натижасида миллий достончилик шаклланди (Фитратнинг “Шарқ”, Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” деб номланган шеърлари “поэма” руқнида эълон қилинди).

“Ровийлар андоқ ривоят қилурларким...” тарзида бошланадиган қиссаҳоилик асосига қурилган мумтоз наср ўрнида реалистик ҳикоя, қисса ва романлар вужудга келди. Зулматдан нурга интилиш, маърифатни тарғиб қилиш, реал ҳаётнинг бир парчасини асар бағрига синдириш Қодирий, Чўлпон ҳикояларининг жанрий асосларини белгилади. Фитратнинг “Мунозара” қиссасидан бошланган жаҳид мактаблари тарғиботи “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида кенг эпик планга кўчди. “Роман услубида ёзилган” (Садриддин Айний) бундай асарлардан тез фурсатда миллий романчилик сари қадам ташланди.

Драма адабий тур сифатида шаклланибгина қолмади, балки ўз борлигини ифода этадиган миллий театрға замин яратган труппа (даста, тўда) шаклланиб, кейинроқ профессионал театр маданий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди. Ўз ҳаётини “Падарқуш” асаридан бошлаган ўзбек драматургияси тез орада ўнлаб турли йўналишдаги драматик асарлар билан бойиди.

Бир муаллиф томонидан ёзилган бадиият намуналари халққа етиб бориши учун миллий матбаа шаклланди. Хоразмда иш бошлаган миллий матбаачилик Ибратнинг “Матбааи Исҳоқия” (1908), Бехбудий матбааси (1910

– 1912) ва бошқа ноширлик босмаҳоналари ҳисобига кўпайди. Бу адабиётнинг оммалашувиға сабаб бўлган яна бир омил ҳисобланса, ундан ташқари, Марказий Осиёда 1870 йилдан бошланган газета нашри 1906 йилга келиб, миллий матбуотнинг қалдирғочига айланган “Тараққий”га етишди. Ўзининг дастлабки ўн йили мобайнида миллий адабиёт 50дан ортиқ нашрга эга бўлди. Уларнинг айримлари узоқ яшай олмади, шўро ва маҳаллий таъйиқлар остида тўхтаб қолди. Бироқ шунга қарамай, миллий матбуот миллий адабиётни зиёлилар оммасига етказувчи муҳим восита бўлди. Миллий ўзликни танишида ва таништиришда ўзбек матбуоти қисқа фурсат ичида мисли қўрилмаган натижаларга эришди.

Ўзликни англаш ва жаҳонга чиқиш тил сиёсати билан боғлиқ эканини чуқур тушунган жаҳидлар ўзбек тилини ривожлантириш, унинг қонун-қоидаларини яратиш ва ўзлаштириш, маҳаллий шевалар асосида адабий тил меъёрларини шакллантириш ишларига берилдилар. Тилдан илк сабоқ берадиган бошланғич дарсликлар яратиш билан бирга, ўзбек тили қонуниятларининг ишланишиға алоҳида эътибор қаратдилар. Фитратнинг “Она тили” китоби (1918 йил, Қаюм Рамазон ва Шокрижон Раҳимий билан ҳаммуаллифликда) ўзбек тилидан илк дарслик саналса, “Сарф. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба” (1-китоб), “Наҳв. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида тажриба” (2-китоб) каби китоблари беш йилликлар мобайнида 4 марта нашр қилинди. Мунавварқорининг “Ўзбекча тил сабоқлиғи” асарининг 1925, 1916 ва 1927 йилги нашрлари маълум. 4 жылдан иборат бу мухтасар китобни ўзбек тили назариясининг дастлабки қисқа академик нашри сифатида қабул қилиш мумкин. Дастлаб “Чигатой гурунги” адабий-маданий муассасасидан бошланган тил, адабиёт, санъат, тарих ва бошқа соҳалардаги изланишлар XX асрнинг 30-йилларига келиб, мамлакатда Фанлар кўмитаси, кейинроқ Фанлар академияси тузилиши учун асосий режаларни ишлаб чиққан биринчи ташкилот эди.

Миллий мустақилликнинг ашаддий ёви бўлган совет мафқураси жаҳидчиликни илдириш билан кўпориб ташлашға бир неча бор уринди. 1918, 1929 ва 1937 – 1938 йиллар давомида бир неча қирғинлар уюштирилди. Ниҳоят, 30-йилларнинг охирига келиб, совет ҳукумати ўз ниятини амалга ошириб улгурди. Илк бор истиқлол ғояларини кун тартибига олиб чиққан, ватанини озод ва обод кўришни истаган жаҳидчиликнинг қарийб 150 йиллик тарихини мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихида муфассал акс эттириш Истиқлол мафқураси талабларига мос келади. Янги Учинчи Ренессанснинг миллий, маънавий ва илмий пойдеворини яратишда жаҳид тамаддуни асос вазифасини ўтайди.



ЮЗ ЙИЛНИНГ ҚАНОТИДА ЖАДИД КУЛЛИЁТИ

КУТУБХОНА

“Забаржад Медиа” нашриёти томонидан “Жаҳид куллиёти” дея номланган туркум китоблар нашр қилинди. Эътиборли жиҳати, ушбу асарлар 100-110 йил аввалги илк нашрдан буюн бирор марта китоб ҳолида чоп этилмаган эди. 8 китобдан иборат ушбу тўпلام жаҳид боболаримиз меросини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

1. “Жаҳид куллиёти”ни “Сабзозор” тўплами бошлаб беради. Баёз ҳижрий 1332, милодий 1914 йил 22 августда Тошкентда, Илин босмаҳонасида нашр қилинган. 49 саҳифадан иборат ушбу тошбосма китобни Мунаввар қори ҳазратлари тўплаб, нашрга тайёрлаган. Тўпلام анъанавий басмаладан бошланади, идора номидан ҳамд ва наът келтирилади. Сўнг Васлий, Суфизода, Авлоний, Хислат, Тавалло, Ажзий, Холид Саид, Мискин, Ҳамза, Мирмулла, Аҳқарий, Афандихон, Лайлихоним каби иждоқдорларнинг тахририятга йўллаган табриқлари ва миллий мавзудаги ғазал, мухаммас, мусаддаслари берилди, сўнг хотима билан якун топади. Китоб жаҳид зиёлилари таъсис этган “Садойи Туркистон” газетаси саҳифаларида эълон қилинган материаллар асосида, баёз шаклида тартибланган бўлиб, “Садойи Туркистон”га йўлланган табриқлар ва миллий ҳушёрликка ундовчи шеърлар жамланган. “Сабзозор” бошдан охир миллатга, халққа муружаатдан, миллий огоҳликка даъватдан иборат.

2. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўл-ёзмалар бўлимида “Ўзбек ёш шоирлари” номи ноёб бир китоб сақланади. Бу

шеърлар тўплами 1922 йил Тошкентдаги “Туркистон давлат нашриёти”да чоп этилган бўлиб, 105 саҳифадан иборат. Мана шу мўъжаз китоб Туркистон халқлари учун бир ёруғлик, бир нажотдек қабул қилинган. Тўпلامда Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту шеърлари берилган.

3. Уйғониш маърифати – уйғониш оғриқларига тоб беришдир. Чўлпоннинг “Уйғониш” номи илк шеърий тўплами миллий уйғониш маърифати, миллий оғриқлар ҳақида. У 1922 йил Тошкентда Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриётида чоп этилган. Китоб беш қисм, яъни беш фаслдан иборат: Юрт қайғуси; Умид ва имон; Чўрилар учун; Сёзгилар; Севги. Илк фасл Фитратнинг бутун Туркистонни йиғлаган ва юрағига ўт солган “Юрт қайғуси” сочма шеърлар туркуми номи билан аталади. Чўлпон 100 йил аввал “Ёзилмоғони бу тунлар сўнгинда тонг отмоқ?” дея ҳайқирган эди. Тонг отди, аммо бу шеърлар бугун ҳам юрагимизни ёқади, МИЛЛИЙ МАЪРИФАТ ва МИЛЛИЙ ҲУШЁРЛИККА даъват этади.

4. “Куллиёт”даги тўртинчи китоб – Чўлпоннинг “Булоқлар” тўплами дастлаб 1923 йилда Туркистон давлат нашриётида чоп этилган. Китоб мухтасам “Хамса” каби беш қисм, яъни беш фаслдан иборат:

Шарқ учун; Сёзгилар; Севги; Қора йўллар; Қор қўйнида. Биринчи фасл бевосита ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърлар билан бошланса, кейинги фаслларда “Уйғониш” тўпламидаги икки фасл номи айнан сақланган: Сёзгилар; Севги. Бу фасллар қандай номланмасин, уларнинг барчасида дард сирқираб туради.


5. “Куллиёт”дан жой олган “Гўзал ёзгичлар” китоби “бошланғич мактабларнинг тўртинчи бўлими учун тузилган ўқуш китоби” бўлиб, Элбек томонидан тартибланган ва 1925 йил Ўзбек давлат нашриётида 5000 нусхада чоп этилган. Унда Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Боту, Абдулла Қодирий, Вадул Маҳмуд, Саидали, Мирмуҳсин Шермуҳаммад каби муаллифларнинг бошқа бирор тўпلامга киритилмаган насрий, шеърий асарлари жамланган ва миллат болалари учун йўлланган.

6. “Адабиёт парчалари” ҳам талабалар, ўқитғучилар ва умуман адабиёт севғучилар учун Абдулҳамид Сулаймон ҳамда Ашуралӣ Зоҳирий томонидан тартибланган дарслик-мажмуа бўлиб, 1926 йил Ўзбекистон Давлат нашриётида чоп этилган ва қайта нашр юзини кўрмай унутилган. Гарчи бу китоблар бошланғич мактаблар ўқувчилари, талабалар, ўқитғучилар учун,

дейилса-да, аслида, бутун бир миллатга йўлланган, ҳуррият ва маърифат руҳи билан суғорилган китоблар эди.

7. “Улуғ Туркистон” тўпламидан шу номдаги газетани босилган адабий материаллар ва газетанинг изоҳли библиографияси ўрин олган. “Улуғ Туркистон” газетаси 1917 йиллардаги нафақат Туркистон, балки бутун туркий халқлар ҳаётида содир бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий уйғониш натижаси ўлароқ ўзбек ва татар зиёлилари ҳаётида юзага чиқди. Газета қисқа вақт мобайнида (1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябргача) нашр этилган бўлса-да, ўз олдиға қўйган мақсад ва маслага билан Туркистон зиёлиларини бирлаштира олди.

8. “Куллиёт”дан жой олган сўнгги китоб “Ичкари” номи тўпلام бўлиб, бу Чўлпоннинг бугунға қадар тадқиқ этилмаган ноёб таржима китобидир. Китоб муаллифи Лола Сайфуллина ўз даврининг тараққийпарвар, зиёли аёлларидан бўлиб, матбуот ишларида фаол иштирок этган. “Ичкари” 1926 йил Ўзбекистон Давлат нашриётида эски ўзбек ёзувида нашр этилган. Китобга “Ўзбек хотин-қизлари турмушидан олингон сочма шеърлар”, дея изоҳ берилган. Ўзбекчаға мутаржим Чўлпон дея кўрсатилган.



Куллиётдан жой олган китобларнинг барчаси ҳам Ўзбекистон кутубхона, фонд ва архивларида мавжуд эмас. Бори ҳам бир-икки дона, унинг ҳам бир нусхаси бутун бўлса, бошқа нусхаси муқовасиз, йиртилган, куйган бир ҳолатда. Ўзимизники бўлган бу китобларнинг айримлари хориж кутубхоналаридан топилди ва шу тариха жорий ёзувға ўтказилди. Улар илк бор нашр этилган 1917, 1922, 1923, 1925, 1926 йилдан буюн қайта нашр юзини кўрмаган эди. Биз бу китоблар тилини ҳозирги тилимизға мажбуран мосламдик. Зотан, жаҳид адабиёти ва унинг сайроқли тили юрақларимизда ўз мухтасам оҳанги билан янграб, мавжланиб турсин.

Шаҳноза ИБДУЛЛАХОН қизи



ЮРТ ҚАЙГУСИ



Маҳмудхўжа БЕХБУДИЙ

Миллатлар тараққийига бир неча сабаблар бўлб, туб сабаби уламо ила агниёнинг ҳамийят ва ғайратларидур. Тараққий қилғон ва ё энди тараққий қилгувчи миллатлар аҳволига диққат қилинса, мазкур икки синф муҳтарамни ўз миллатларига сўз ва оқча ила хидмат этганлари фавран зоҳир бўлур.

Ҳар миллатнинг уламози, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб

ва газет ила умматни муслиҳи учун баҳс ва муколамалар қилурлар.

Тараққий қилгувчи миллатнинг уламози замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг "масолиҳа замонийя"си учун сазъи этар, миллатни пешрафтига оқча ила, ҳайрат ила иона қилмоқни миллат бойларига таклиф этар, ташвиқ ва таҳрис этар. Хулоса, ҳар миллатни уламози, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва ҳавожи миллия ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар.

Хукуматни ўрта ва олий мактабларига ўқидурғон ўз миллат болаларига ионат этарлар. Ва бечора

ҳамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига берур, ўз харажатлари ила ўкутадурлар.

Рус, армени, яҳудий ва бошқа Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиладурлар, инчунин, Қафқоз, Қирим, Қозондаки мусулмон биродарларимизни бойлари, уламози ва аҳли қалами, соҳиби фикри ўз биродарларига мол, оқча, қалам ва илм ила қўб иона қиладурлар.

Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларни намояндаси учун, миллатнинг замона одамларидек тараққий этмоғи учун, халойиқнинг ислоҳ ахлоқи учун ғам тортувчи ва ҳаракат этгувчи йўқдир.

Бир карра диққат қилиб, маҳалла-кўй ва қишлоқ

халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлиқ нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликга илм лозим, амал лозим. Ўкумоқ керак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламозига тобеъ экан, бизни уламо бильакс авомга тобеъдур? Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттуз сана сўнгра яна ёмонроқ бўлур, мусулмонлик, илм ва одоб ила қоим миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш қилинмаса раби аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга қолур, бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва

дунёвий илм-фанлар ўкумоқ учун тарғиб қилмоқ керақдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадаур.

Дунёвий фанларнинг ўрни ҳукумат мактабларидур, иккисига ўкумоқ учун оқча лозимки, ул оқча бойларни киссайи ҳамиятидан чиқса керак.

Ҳар замон учун асбоби ислоҳ ва тараққийи ионат бошқарур. Миллатга ионат этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун бола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун "ҳамийяти хайрия", "нашри маориф", қироатхоналар, фўндлар, қуружуклар, жаридалар, мажлаллар, нашриётлар... керақдур. Миллатлар тараққийи шул ила бўлур ва бу ишларга оқча керақдур, оқча бойларда ва афродда!

"Самарқанд" газетаси, 1913 йил, 30 июл.

ГЎЗАЛ ЁЗГИЧЛАР



Абдулҳамид Чўлпон

Барғ

Жонланди, яшарди, кўкарди қарашим, Ўзимда бир турли эркинлик сезамен. Кўнглимда қолмади шу тинда

Умиднинг ипаклик қилини чўзамен. Шу чоғда, шу боғда ҳар нарса юмшоқдир

Ҳар нарса кўкарган, ҳар нарса яшнайдир. Шу боғда, шу чоғда ҳар нарса

Кўёш-да нуруни ҳовучлаб ташлайдир. Ариқда сувларнинг ўйноқи кўшиғи Шохларда ухлаган барглари уйғотди. Айниқса, шамолнинг у юмшоқ

Шохларда барглари титратди, Шохларда барглари титратди.

Кўп-қизил қанотли капалак, йўлида Учратди чиройли чизанак қизини, Капалак тикилгач, у қизча кўлида Ушлаган япроқ-ла беркитди юзини. Олтинли кўнғизни болалар ушлашиб, Ип билан кўкларга учириб ўйналар. Қулликни севмаган йўқсилни

Кучлашиб, Нимага ўзининг эркига кўймайлар. Лабларим шу тунда чанқаган,

Кавсарнинг сувидан шароблар

Фаришта қилиқли, малика қизлардан Чанқоқни босувчи бир ўпич сўрамас. Кўклардан малаклар қиз бўлиб

Яна мен ўтларни кўйнимга кўймаймен. Кўйнимга тўлсалар,

Гулларнинг ҳидлари... Мен сира тўймаймен. Ўпмаймен шу чоғда фаришта -

Малакни, Ўпамен бутоқда титраган бир барғни...

Бинафша

Ёз қайғуси. Бинафша сенмисен, бинафша сенми, Кўчада оқчага сотилган. Бинафша менманми,

Бинафша менми, Севгинга, қайғунга тутилган? Бинафша, нимага бир озроқ очилмай, Бир эркин кулмасдан узилдинг? Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

Бинафша, нимага хидларинг

1922 йил.

Абдулла АВЛОНИЙ



Нима кўнники?

Ўз мамшатимиздан

Кўб қизиқ бул жаҳонни савдоси, Кўрунур ранг-баранг томошоси.

Ҳар ера борса, сўзи мақбулдир, Кимни бор бўлса нуқра, тиллоси.

Гар фақир ўлса очлигиданким, Бўлмағай бойни зарра парвоси.

Тўй қилуб, ош берур ғанийларга, Камбағал кирса "ҳайда-ҳайдо"си.

Тўн берур агниё имомларга, Камбағал парча нонни шайдоси.

Сарф этар тўйга пулни минг-минглаб, Йўқ хаёлинда мактаб иншоси.

Илм учун пулни кўзлари қиймос, Ким билур, борми-йўқми фойдоси.

Жумласи бойни сўзини айтур, Хоҳи эшон-у, хоҳи муллоси.

Илмдан истасанг, нишон йўқтур, Бошида бор қозонча саллоси.

Халққа бир пулча қиммати йўқдир, Ҳар киминг бўлса илми доноси.

Тонг отур, кун ботур, ўтар даврон, Йўқтур миллатни зарра болоси.

Ҳар киши ўз маишатин истар, Кимга лозим малолни ғавғоси.

Тўғри сўз тувғонига ёқмайди, Бу сўзумдир замон тақозоси.

Кўрдиму борча манфаат миллат, Эй, замоннинг адиби аълоси.

Жамъият мажлиси бормаслар, Йўқтур ёғлу палов, нишоллоси.

Эй кўзим, қон тўк, оғла, Ҳижрон бўл, Ишта миллатга булдур авлоси.

Хўжа хору, сўз ҳама бандоник, Оқча пуллар соҳиби жандоник.

Нега хомуш ўлдинг, эй ақли хирад, Бўлди дунё кори шармандоник.

Ширкат айлаб, арбакаш ҳам бўлмадук, Ҳар кунни мингларча сўм кўнконик.

Нася олуб, сут ичодур бизни халқ Маска, қаймоқ фабрика банконик.

Бўлмаса мойи ғижирлайдир ўқи Барча ишинг меҳвари тангоник.

Гар фақир ўлсанг демас ҳолинг надур, Меҳрибонлиг олту-ун денгоник.

Эски тўн бўлсанг, бўлурсан хору зор, Иззату хурмат тўни янгоник.

Илмдан бойлик юқорида турур, Сухбату мажлис силлиқ саллоник.

Илм учун бир пулни қиймос кўзлари, Рестўронда тангалар яллоник.

Чашмимизни босди гафлат пардаси, Таянчу роҳату кўзлари бинонник.

Соддалик бозори бўлди хўб касод, Суд қилмоқ маҳқаму дононик.

Камчиликни назм ила тақдим этар, Ишта бу Ҳижрон деган устоник.

*Бинон - кўриш.

XIX аср охири - XX аср бошларида жадид зиёлилари кўплаб вақтли матбуот нашрларини чиқаришди. Улардан айримларининг ўнлаб сонлари босилди, баъзилари бир-икки марта чиқиб тўхта-тилди. Жадид тараққийпарварлари ўз газета ва журналларининг маслағи - йўли хусусида махсус кириш сўзлари ёзишган. Улар ўз сўзларида миллатга хизмат, Ватанга муҳаббат, дунё ҳолидан бохабарлик каби масалаларга урғу беришган. Муҳтарам газетхон! Куйида "Таржимон" ва "Юрт" нашридан олинган ана шундай мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.



МАҚСАД ВА АЪМОЛИМИЗ

Эскилик вайрон бўлб, азман ўзгаруб харобаларда янги ҳаёт очиладур.

ШИЛЛЕР

баалар, жамияти хайриялар ва маориф очдик. Фафлат дарёсига ботган бу халқ ичида илм ва маориф ва афкори жадиди таъмимига хизмат этдик. Ва айтадурмиз, фақат бу замонгача хизмат ва фаолиятимиз эътироф этмак вожибдурки, ниҳоят даражада оз, оз ва оздур. Лашкари жаҳолат йиқилғон, фақат енгилган йўқ, ишни итмом этмак керак, вақтдан истифода этиб душман (жаҳолат)ка омон ва ўзини тўбламоқ учун имкон бермасдан муттасил уришмоқ, бир зарба орқасидан дарҳол иккинчи зарбани солмоқ ва-зифамиздур. Ул зарбаларнинг энг қаттиғи ва биз учун муфидларидан бири шубҳасиз матбуотдур.

Абу Наср Форобий, Улуғбек, Имом Бухорий, Навоий, Темури ва Бобуршоҳларга ўхшаш номлари билан шоён ифтихор; уламо, файласуф, шуаро, фотихларнинг ибратлик фаолиятларидан, ғайрат-

ларидан, фидокорликларидан тарихимиз, харобаларимиз ва осори атиқаларимиз ҳар бири шаҳодат бериб турур. Биз эсақ мабзул, мискинул афкор, маҳдудул афок, фақир ва танбал бир ҳаёт кечирмақдамиз. Ҳам ҳозирги кунда муҳим ва тарихий воқеалар олдида тураимиз.

Мана энди "Юрт" воситаси билан ҳозирги янги ҳукуматнинг фикри билан юртимизни, элимизни танишдируб, юрт ва элимизнинг тараққийи ва таолийсига сазъи ва ижтиҳод этмақчимиз, ўз маромномумизни диққат ва назари олийларингизга тақдим этсак: "Юрт" доим бир хур, минбари ҳақиқат бўладурки, андин ҳар бир хулуси ниятлик мужоҳиди жаҳолат ўз фикрини, лойиҳасини миллатка арз этмакка ҳаққи бордур...

"Юрт" тахририяти (1-сон, 1917 йил 1 июн)

Абдулла ҚОДИРИЙ

Аҳволимиз

Кўр бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз, Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз. Уғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак, На худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз. Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда, Ўнгадин бедона боқиб ёзу қиш сайротамиз. Ҳамда ҳар кун тақияларда наша кўкнори чекиб, Баччага кокил солиб, оқ-воҳ ила ўйнотамиз. Қаримиз, боёнимиз, балки бу вақт оқвондамиз, Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз. Ўртадан чиқса агар миллатни яхши сўйгучи, Биз ани даҳрий санаб, тўфангча бирла отамиз. Келингиз ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг, Ухлаганларни агар қодир эсақ уйготамиз.



Кимки ўз инсонлик даражасини асл ҳолатидан тараққий қилдирса, бу унинг инсонлик оламига киришидир. Ҳақимлар уни ИНСОН атаганлар.

Абдурауф Фитрат



АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиладиган Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ижод билан шуғулланиб келаётган ёшлар иштирок этиб, устозлар сабоқларидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Ушбу семинарда фаол қатнашиб, ижоди устозлар томондан эътироф этилган ҳамда “Биринчи китобим” лойиҳасига тавсия қилинган ёшларнинг ижод намуналари ҳар йили ушбу лойиҳада кўп минг нусхада чоп этилади. Яқинда ана шу бахтга мўъассар бўлган 25 нафар ёш ижодкорнинг илк китоблари тақдироти бўлиб ўтди. Қуйида ёш ижодкорларимиз асарларидан намуналар тақдим этилмоқда.



Мавлуда БОЙЧАЕВА

Қўнғун дийдор

Хиргойисин бошлар автобус,
Қўлин силкиб қолади қишлоқ.
Оқ соқоли тоғлар дуода
Қирлар дейди: “йўлинг бўлсин оқ”.

Чорлапти мени Самарқанд,
Сафар халтам тўла муштоқлик.
Завқ чайнайди тинмай юрагим,
Хаёлимнинг ҳамёнчаси лик.

Ўнг ёнимда ҳамроҳ дераза,
Табиати бораман чизиб.
Кўкда оппоқ қанотли отлар
Учиб эмас, юргандай сузиб...

Норозилик йўқлайди гоҳи,
Имиллайсан, автобус, нечун?
Билмайсанми отланганимни
Соҳибқирон дийдори учун?



Муниса АБЗАМОВА

Ўрик тули

Ўрик гули – менинг гулим,
Менинг гулим – менинг дилим.
Ишонмайсиз, ана қаранг,
Гуллаган-ку мен берган ранг.
Мен берган ранг кўнглимдай оқ,
кўнглимдай оқ.

Юраккинам араз қилди,
Насихатим ғараз билди.
Туни билан учкун сочиб,
Тонг ҳовлида кучоқ очиб
Аразларим кулар оппоқ,
кулар оппоқ.

Содда дарахт қайдан билар,
“Мевангман”, деб турса булар.
Айланади ёмон шумга,
Тўқилади ё бошимга.
Шамолларда қолса мудроқ,
қолса мудроқ.

Яқин қолди довча сайли,
Ховлимизга келсин майли
Йўли, кўнгли тушса кимнинг.
Меваси-да аразимнинг –
Айблайсиз сал нордонроқ,
сал нордонроқ.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД



Дада

Бебош ёшлигимдан қалбда бир иқрор:
Тоғдай таянч берди, шукурки, ҳаёт.
Раҳмат келтирмаган бўлса-да бир бор...
Дада – ўғлин ўйлаб ичи куйган зот!

Қора ишларга ҳам бериб келган зеб,
Дала-уй.
Дала-уй.

Сўнг яна ишга.
Тағин фахрланар
– Ота бўлдим, деб,
Мендайн девона, телба дарвешга!

Шаҳарда юраман кўксимни кериб,
Қишлоқда ғамхўр зот ғамимни ейди.
Ўзининг бахтини ўғлига бериб,
– Болам бахтли бўлса, бўлди-да, дейди!

Фақат фарзанди деб куйдиради жон,
Дарров бажарилар ҳамма ваъдалар.
Менинг дадам, балки, жуда меҳрибон,
Балки, меҳрибондир барча дадалар.

Умри узоқ бўлсин,
Етмай бирор қор,
Кетмасин қуввати жисму танидан.
Бир умидим шулки, ё Парвардигор,
Ўзим ҳасса бўлай қариганида...



Мансур НАЗАРОВ

Гулнинг юзидаги шабнаммас сира,
Унинг кўз ёшлари сочилиб кетган.
Тун бўйи йиғидан қизариб кўзи,
Ойнинг нурларида очилиб кетган.

Атиргул пойини ўпар капалак,
Жонсиз қанотларин тупроққа тўшаб.
Юраги зулматни кўтаролмапти.
Ётар ўхшамаган шеъримга ўхшаб.

Ғижим қоғоздаги ўша сўзларим
Сенга аталганди, азизам, билсанг.
Севгимиз қадрига етардик балки,
Капалак бўлсам-у, атиргул бўлсанг!

Қисмат

Ховлимизда гуллаган ўрик бугун Байрамга
отланган ўсмир қиздек бирам шодланади.
Уни ясантриб кўйган табиатнинг кўли гул-
да. Шамол шўх йиғитдек ўригойнинг гулбаргларида
тортқилаб-тортқилаб кўяди. Баҳор ҳавосидан тўйиб-
тўйиб нафас оламан. Шу пайт ўрик шоҳида илҳом
фариштасини учратиб қолдим. Уни хонамга таклиф
қилдим. Деразамдан учиб қирган бу митти фаришта
энди менинг меҳмоним.

Узоқ суҳбатдан сўнг оқ қоғозга кўешнинг нурла-
ридек тўкила бошлайман. Оч қолган одамдек ижодга
талпинаман. Сўнги нафас олаётгандек шошиб ёза-
ман. Гўё она боласини меҳрининг қучоғида аллалаган
каби, гуллари яшаган боғбон мисоли, даласида хир-
мон-хирмон ҳосил олган деҳқондек хонамга сиғмай-
ман. Олим янги кашфиёти устида иш олиб бораётган-
дек, ҳеч нега парво қилмайман.

Шундай паллада келиноним нон ёпади, ўчоққа
ўтин қалайди, онам далага уруғ сепеди, кўчат экади,
дугоналарим кир ювади, қайнонасига кўкчучвара ту-
гади, тунда боласига алла айтиб чиқади.

Ҳамон хонамга қамалиб олганман, гўё буюк иш
билан бандман. Опам йилда бир меҳмонга кела-

ди, суҳбатимизни чала
қолдириб, хонамга ки-
риб кетаман. Қайнонаси-
нинг инжиқликларидан
безиб, бир таскин сўз
излаб, кўнғироқ қилган
дугонамга ҳам жавобим
шу – кечирасан, ёзишим
керак.

Мен дунёга бир юмуш
билан келганман – фақат
ёзиш учун. Барини унутиб,
барини эслаб ёзаман –
аламдан, бахтдан, севинчдан, кўз ёшдан. Бу кечмиш
алҳол менинг қисматим.

Ташқарида мени бахт кутиб турибди, кўлида ан-
войи гуллар. Чиқмайман. Ўткинчи бахт билан гап сот-
майман. Унинг гуллари ҳам сунъий.

У кўнғироқ қилади: мен кетдим...

Бунга парво қилмай, ўз ишимда давом этаман.

Гарчи улар арзирли-арзимасдир, қандай бўлса ҳам
ёзавераман...

Хонтахтага бош кўйиб ухлаб қолганимда эса суҳ-
батдошим хонани тарк этганди. Кўзимни очганимда
деразадан учиб қирган шамол дилпарчаларимни ҳар
ёққа сочиб ташлаганди...



Ҳосият
АБДУРАҲМОНОВА

*Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб туртон вужудимиз-
га, танилимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, мана шундай
йўлда ҳар хил қора қирлар ила қирланган руҳимиз
учун ҳам шу қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса
– миллат яшар. Адабиёти йлмазон ва адабиётининг
тараққийсига ҳалишмаган ва адиллар етишдирмазон
миллат охири бир кун ҳиссиётдан, йўдан, фикрдан
маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур.*

Абдулҳамид Чўлпон



Нурмуҳаммад АБДУСОИР

Ёвқур жангчи бўлмоқчи эдим,
Ёғийлар кўксига тиг урган аскар.
Телбалликка, мардлиқка мойил,
Юрагим қақшар...

О, Нажмиддин Кубролар ёниб,
Жонин фидо айлаган пайтда –
Туғилган бўлсайдим, ёв кўксин ёриб,
Ҳайдаб чиқарардим Ватандан.

Топилмайди дурустроқ ганим,
Йиғлайман, ишлабон қўл учи билан.
Алам қилар пиёз тўғраётганим,
Амир Темур қиличи билан.



Ирода РАҲМОналиева



Мирзо Кенжабек ғазалии назира

Эй ишқ, сенми ёндирган минг хаёлот ичинда?
Бир ҳарорат ичинда, бир ҳаловат ичинда?

Саодатни истадим, ҳимоятни изладим,
Сўнг кўнглимга гизладим бир иродат ичинда.

Қароғларим қон бўлди, йўлим ноаён бўлди,
Минг жоним нимжон бўлди сен берган дард ичинда!

“Кўнглим – кузги япроғим, кўксимнинг сал чапроғи”,
Бир диёнат ичинда, бир хиёнат ичинда...

Малаклар ҳам оқ қилди, фалак бир нигоҳ қилди,
Исмингни тавоф қилдим, нур-ибодат ичинда.

Қалам сўнги чорадир, жисмим дилин ёрадир:
“Таним музлаб борадир, чўғ, ҳарорат ичинда...”

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:
Шухрат Азизов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади: 4800
Буюртма: Г – 140
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй
Телефонлар:
(71) 233-11-07

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти:
21.00.

Босишга топширилди:
21.35.

Сотувда нархи эркин.